Boqiy fikr

Ma'naviyatning sehrli kuchi shundaki, u inson qalbida ezgulik, saxovat, mehr-muruvvat kabi olijanob fazilatlarni uyg'otadi.

Islom KARIMOV

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT — XALQ ZIYOLILARI GAZETASI — معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 15-mart, chorshanba № 21 (8982)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА БЕЛЬГИЯЛИКЛАР ҚИРОЛИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ва Бельгия Қироллиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Бельгияликлар Қироли Филипп Президентимиз Шавкат Мирзиёевга табрик йўллаган.

Бельгияликлар Қиролининг қутловида бундай дейилади: «2017 йилда Бельгия ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллигини нишонлаётганимиз менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўтган йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳаларда муваффақиятли ривожланмоқда, икки томонлама муносабатларимизнинг муҳим асоси бўлган дўстона алоқалар ва ўзаро англашув изчил мустаҳкамланмоқда».

Бельгия Бош вазири Шарль Мишель Ўзбекистон раҳбариятини қутлар экан, «Ўзбекистон мустақилликка эришган кунданоқ ўз суверенитетини мустаҳкамлади ҳамда минтақанинг муҳим сиёсий ва иқтисодий салоҳиятга эга давлатига айланди. Ўтган давр мобайнида мамлакатларимиз самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, аммо уни янада диверсификация қилиш борасида катта салоҳият мавжуд».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг табригида «ўтган даврда икки давлат ўртасида мустаҳкам дўстлик ва ўзаро англашув анъаналарига асосланган эзгу ва амалий муносабатлар ўрнатилган»и мамнуният билан қайд этилган.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлик масалалари — сиёсий-дипломатик ва маданий-гуманитар соҳалар, савдо, инвестициялар ва юқори технологияларга доир аниқ дастур ва лойиҳалар бўйича самарали ва ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор» эканини таъкидлаган.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатлар давом эттирилишига, ҳамкорлик ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва ишонч тамойиллари асосида янада мустаҳкамланишига ишонч билдирган.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини табрикладилар.

Туркия Президенти Режеп Тайиип Эрдўғоннинг қутловида бундай дейилади: "Туркия Республикаси ва қардош Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва қардош Ўзбекистон халқини шахсан ўз номимдан ва Туркия халқи номидан самимий табриклайман ва эзгу истакларимни йўллайман».

Режеп Тайиип Эрдўғон 2016 йил 18 ноябрда Самарқанд музокаралар чоғида ўзаро муносабатларни кенгайтириш борасида ҳамкорликда ишлаш тўғрисида эришилган келишувлар амалга оширилишига ишонч билдирган, Туркия мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги йўлидаги ҳамкорликни ўзаро ишончли асосда икки томонлама, минтақавий ва халқаро миқёсда ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қутловида «1992 йилнинг март ойида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг қисқа вақтда, яъни ўйлнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида Туркия Республикаси элчихонаси очилган»ини алоҳида таъкидлаган.

Давлатимиз раҳбарининг табригида бундай дейилади: «Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг шу йил 26 февраль — 2 март кунлари Туркияга ташрифи ўзаро келишувларимизнинг мантиқий давоми бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, менинг вакилим билан учрашганингиз ва алоҳида ҳурмат кўрсатганингиз учун Сизга самимий миннатдорлик билдираман».

Президентимиз Ўзбекистон билан Туркия сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, ҳарбий-техник, сайёҳлик, логистика ва бошқа соҳаларда ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун ҳали фойдаланилмаган ва бир-бирини тўлдирадиган улкан салоҳиятга эга эканини қайд этган. Шу нуқтаи назардан ҳамкорликни кенгайтириш ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти томонлар биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан кенг кўламли ва узоқ муддатли шериклик муносабатларини қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишига ишонч билдирган.

ЎзА

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

Хоразмда китоб савдоси ярмаркаси

Хоразмда "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида "Оилавий китобхонлик" китоб савдоси ярмаркаси бўлиб ўтди.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Д.Бекжонова ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал эҳтиёжини қондириш, оилаларда китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)

Янги маънавий-мафкуравий таҳдидлар

уларга қарши курашишда асосан миллий тарбия усулларимизга таянишимиз зарур

Ёшлар онгини заҳарлаш, уларни ўз ғаразли мақсадлари ортидан эргаштиришга интилаётган кимсалар ғоявий-мафкуравий таҳдиднинг турли усулларидан фойдаланмоқдаки, буни кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда пайдо бўлган "Кўк кит" ибораси яна бир карра исботлади. Виртуалликдан реалликка кўчган, яъни тўғридан-тўғри ўсмирнинг ҳаётини хавф остига қўйиб, уни ўз жонига озор етказишга, қалтис вазиятларга ўзини уришга, охир-оқибат жонига қасд қилишгача ундайдиган бу "ўйин" умуминсоний ва миллий қадриятларга тамоман зид бўлгани туфайли жирканч бир тасаввур уйғотади кишида. Шу боис унинг номини эшитган ота-она борки, фарзандлари тақдирини ўйлаб, охирида «ўт чиқадиган» бундай ўйинлардан уларни ҳимоя қилишга киришмоқда.

Юртимиздаги барча таълим муассасаларида ота-оналар, маҳалла фаоллари, педагоглар ва ўқувчилар билан ўтказилаётган профилактика тадбирларида мутахассислар бу хавфли ўйиннинг мақсад-муддаоси, аянчли оқибати ҳақида батафсил тушунча бермоқда. Ўсмирлар бирма-бир кўздан кечирилиб, уларнинг бу "ўйин" таъсирига тушиб қолмаганлиги, яъни, танасига кўк кит сурати ёки бошқа шакллар чизилмагани, уяли телефонида унга оид манбаларнинг йўқлиги ўрганилмоқда. Шуниси афсусланарлики, бундай ҳоллар айрим таълим муассасаларида учраб турибди...

Очиғини айтиш керакки, ҳозирча бу балога қарши курашиш юзасидан таҳлилий, илмий-услубий тавсиялар йўқ ҳисоби. Шу боис ота-оналарда, ўқитувчиларда "Болаларимизни "Кўк кит"дан қандай ҳимоя қилайлик?", "Ота-оналар бундай хавфлардан доимий равишда огоҳ бўлиши учун тарбиянинг қайси усулларини, қачон, қандай қўллаш керак?" деган ҳақли саволлар туғилмоқда.

Бугун мана шу саволларга ҳар бир ота-онанинг аниқ жавоблари бўлиши керак. Масаланинг муҳимлигидан келиб чиқиб, глобал ахборот оламида тарқалаётган бундай зарарли ўйинлар "моҳияти", ўсмир ёшлар онгига таъсири ва улардан ҳимояланиш йўллари ҳақида педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қуронов билан суҳбатлашдик.

Ota-onalar majlisi uchun mavzu

(Давоми 7-бетда.)

2017-yil 15-mart, № 21 (8982)

Аскарлар қасамёд қилди

Vatan himoyasi — muqaddas burch

Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округининг Қарши сержантлар тайёрлаш мактабида аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, кенг жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар, ота-оналар иштирок этган тадбирда Биринчи Президентимиз раҳнамолигида барпо этилган профессионал миллий армиямиз давлатимиз суверенитети, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ишончли таъминлашда юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

— Ҳарбий қасамёдга содиқ бўлиш муқаддас бурчдир, — дейди оддий аскар Зокир Абдусаматов. — Мен ҳам Ватан олдидаги йигитлик бурчимни аъло даражада бажариб, ёруғ юз билан оилам бағрига қайтаман.

Ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишлари, хонандалар ижросидаги Ватан, тинчлик, она ва ёшликни таранним этувчи куй-қўшиқлар тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Ў.БАРОТОВ,
ЎзА мухбири
Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Ҳаракатлар стратегияси ўрганилмоқда

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Зангиота академик лицейида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган "Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда таълим ва тарбиянинг аҳамияти" мавзусида илмий-амалий, услубий семинар бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва Зангиота тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинарда Фанлар академияси академиклари, Тошкент давлат аграр университети профессорлари, туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда ҳудуддаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилиши кўзда тутилган кенг кўламли чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши ва "Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун" тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилиши қайд этилди. Айниқса, академик С.Ғуломов ўзининг "Илм-фан ютуқлари: таълим ва тарбиянинг муҳим омилидир" мавзусидаги нутқида ўқувчиларга Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириб берди.

— Президентимизнинг мазкур фармони таълим тизимида ўқитиш сифатини янги босқичга кўтаришга ҳам хизмат қилади, — дейди Зангиота академик лицейи ўқитувчиси Гулнора Турдиалиева. — Шу билан бирга, ўқитувчиларнинг ўз касбига янада масъулият билан ёндашиши, ёшларнинг танлаган мутахассисликлари бўйича чуқур билим ва малакага эга бўлишини изчил таъминлашни ҳам тақозо этади. Зеро, бу жараён Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Қизғин мулоқот руҳида ўтган семинарда Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари олдида турган муҳим вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш механизмлари ҳақида фикр алмашилди.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Хоразмда китоб савдоси ярмаркаси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимизнинг жорий йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Хоразм вилоятининг Урганч шаҳри ва туманлар марказларида 33 китоб дўкони, қишлоқларда китоб савдоси билан шуғулланувчи 73 бўлим фаолият кўрсатмоқда, — дейди "Китоб олами" маънавий-маърифий савдо мажмуаси директори Ш.Охунжонов. — Китоб дўконларининг хизмат кўрсатиш сифати йилдан-йилга ошмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган "Китоб байрами" тадбири, вилоятда ташкил этиладиган "Намунали китоб дўкони", "Йилнинг энг яхши китоби", "Мангулик жамоли" кўрик-танловлари, "Болалар китоби" фестиваллари ижод аҳли ва ноширлар, тадбиркорлар меҳнатини рағбатлантиришда ижобий самара бермоқда.

"Хоразм китоб олами" маънавий-маърифий мажмуасида ташкил этилган китоб савдоси кўргазмасида 70 минг нусхадан ортиқ китоб савдо расталарига қўйилди. Кўргазмада айниқса ўқув-услубий, бадиий-публицистик, илмий ва болалар адабиётлари кенг ўрин олди.

— Китоб инсоннинг энг яқин дўсти, маслаҳатчиси ва беминнат устозидир, — дейди меҳнат фахрийси Б.Қосимов. — Шунинг учун ҳам бугунги тадбирни ўзликни англаш, маънавият ва камолот айёми дейиш мумкин. Кўргазмага қўйилган китобларнинг полиграфик сифати ва дизайни юқорилиги юртимизда ноширлик ва матбаа саноати ривожланаётгани, китобхонлик маданияти юксалаётганидан далолат.

Китоблар кўргазмаси вилоят маркази, туман ва шаҳарларда 10 кун давом этади.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими П.Бобожонов сўзга чиқди.

А.ШОКИРОВ,
ЎзА мухбири

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар прокуратураси, ИИББ, Хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши ҳамкорлигида қабул қилинган "2016-2017 ўқув йилида умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқувчилар давоматини тўлиқ таъминлаш, 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқишга қамраб олишни амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қўшма қарор мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ҳар бир ўқувчи тақдирига дахлдорлик ҳисси

Анжуманда умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчиларининг дарсга қатнашиш аҳволини яхшилаш, 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликларида ташкил этилган доимий ишчи гуруҳларнинг вазифалари тегишли мутахассислар томонидан атрофлича тушунтирилди.

— Ўқувчилар давоматини яхшилаш, 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ қамраб олиш масаласига кенг жамоатчилик эътиборини қаратувчи ушбу қўшма қарор мазкур йўналишдаги ишларнинг янада самарадорлигини таъминлайди, — деди Тошкент шаҳар ХТББ бошлиғи Аваз Мамажонов. — Шунингдек, мазкур ҳужжатда таълим муассасаларида ташкил этилган фан, спорт ва бошқа йўналишдаги тўгараклар фаолиятини янада жонлантириш, ўқувчилар қизиқишига кўра янги тўгараклар ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Йиғилишда қўшма қарор ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil 15-mart, № 21 (8982)

Келгуси ўқув йили учун дарсликлар

янгича талаблар асосида тайёрланмоқда

Бугунги жадал тараққиёт даврида умумтаълим мактаблари дарсликларининг янги авлодини яратиш, ўқув дастурларини такомиллаштириш узлуксиз жараён бўлиши зарур. Акс ҳолда сифатли таълим беришда асосий восита ҳисобланадиган ўқув адабиётлари мазмуни замон талабига жавоб бермай қолиши ҳеч гап эмас. Бу ўқитувчи-педагоглар ишини қийинлаштириб, ўқувчиларнинг пухта билим эгаллашига ҳам халал беради.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мос равишда дарслик, ўқув-методик адабиётлар яратиш ишлари тизимли амалга оширилмоқда. Белгиланган тартибга кўра, 1-синфлар учун ҳар йили, 2–4-синфлар учун ҳар икки йилда, 5—9-синфлар учун ҳар тўрт йилда бир марта янги дарсликлар чоп этилмоқда. Жараёнда ўқув адабиётларидаги мавжуд хато ва камчиликлар бартараф этилиб, мураккаб мавзуларни соддалаштириш ёки оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— 2017-2018 ўқув йили учун жами 651 номдаги 39 миллион нусхадан ортиқ дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этилиши режалаштирилган, — дейди Республика таълим маркази директорининг ўринбосари Муножат Абралова. — Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари учун ҳам дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилиши кўзда тутилган.

Дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларнинг давлат таълим стандартлари талабларига мослиги, мазмунан ва дизайн жиҳатидан мукаммал бўлиши таҳлиллар асосида ўрганиб борилмоқда. Бу жараёнда олимлар, методистлар, амалиётчи-ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар ҳам фаол иштирок этмоқда. Аниқланган хато ва камчиликлар юзасидан билдирилган экспертиза хулосаси муаллифлар ва тегишли нашриётларга етказилмоқда. Ана шу хулосаларни инобатга олган ҳолда ДТС ва оптималлаштирилган ўқув дастурлари асосида дарсликларга ўзгартиришлар киритилаяпти.

Дарсликларни янгилашда мавзуларни ўқувчиларга содда, қулай ва тушунарли тарзда етказишнинг самарали усулларини жорий этишга катта эътибор қаратилаяпти. Дарсликлар чоп этишдаги яна бир янгилик – бу йил биринчи марта 6-, 7-синф "Меҳнат" ҳамда 6-синф "Тасвирий санъат" дарслиги яратилиб, нашрга тайёрланмоқда. Фанга оид тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдиришда расм ва тасвирий ифодаларнинг ўрни катта экани ҳисобга олиниб, дарсликлар дизайни янгиланмоқда.

Мавзу ва топшириқларнинг содда, қизиқарли ва тушунарли берилиши таълим-тарбия самарадорлигини таъминлайди. Шу боис муаллифлар ўқув адабиётларини янгича ёндашувдаги мисол ва топшириқлар билан бойитмоқда. Бу ҳақда 6-синф "Физика" дарслиги муаллифи Нарзиқул Турдиев шундай дейди:

— Дарслик яратишда ўқувчиларнинг ёши билан боғлиқ психо-физиологик хусусиятлари, қабул қилиш имкониятларини яна бир бор ўрганиб чиқаяпмиз. Назарий билимларни амалиётга яқинлаштириш мақсадида республикамизнинг турли ҳудудларида бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан мавзулар юзасидан суҳбатлашдик. Уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил қилдик. Натижада ҳозир мавзулар илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда давлат таълим стандарти талабларига мос ҳолда ишлаб чиқилмоқда.

Jarayon

Мисол учун, бу йил 6-синф "Физика" дарслигига битта янги боб — "Электр ҳодисалари" ҳамда "Кузатишлар ва тажрибалар", "Ўлчашлар ва ўлчам аниқлиги" ва битта лаборатория иши "Ричагнинг мувозанатда бўлиш шартини ўрганиш" мавзулари, ҳар бир мавзуга алоҳида саволли топшириқлар киритилди. Китобда тасвирланган табиат ҳодисалари ва бошқа кўргазмали воситалар болаларга тушунарли бўлиши учун дарслик рангли суратлар билан бойитилди. Эътиборлиси, мазкур дарслик янада оптималлаштирилиб, 6-синф ўқувчиларига мураккаблик қиладиган олтита мавзу – "Лупа", "Линзалардан тасвир ясаш", "Иссиқлик двигателлари", "Реактив ҳаракатлар", "Буғ турбинаси", "Суюқликларда турбилент ва ламинарх оқими" мавзулари 9-синфга кўчирилди.

2016-2017 ўқув йилида 6-синф учун "Математика", "География", "Физика", "Ботаника", "Информатика", 7-синф учун эса "Алгебра", "Геометрия", "Кимё", "Зоология", "Физика", "География", "Информатика"дан дарслик-мажмуалар билан бирга ўқитувчилар учун методик қўлланма ҳамда мультимедиа иловалари ҳам нашрга тайёрланмоқда. 84 номдаги оригинал (ўзбек ва рус тилларида) макетлар олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларидан хулоса олиш учун юборилган.

Бу йил қайта нашр этиладиган 7-синф "География" дарслигига ҳам қатор ўзгартиришлар киритилди. Бу ҳақида дарслик муаллифи Паттоҳ Баратов фикрини қуйидагича ифодалайди:

— 7-синф "География" дарслигининг бешинчи нашрига учта янги мавзу киритилди. Олдин "Зарафшон" мавзуси битта округ сифатида ўқитиларди. Эндиликда бу мавзу "Ўрта Зарафшон" ва "Қуйи Зарафшон" округларига бўлинди. "Зарафшон водийси" мавзуси дарсликдан олиб ташланди. Натижада мавзулар янада соддалашди. Бу йилги дарсликдан янги "Аҳолининг маъмурий ва ҳудудий бўлиниши", "Орол" округи мавзулари ҳам жой олмоқда. Мақсад — ўқувчиларга Орол денгизи фожиаси, унинг қуриши сабаблари, сақлаб қолиш йўллари ҳақида кўпроқ маълумот бериш. Мавзу доирасида мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш бўйича ҳам тушунчалар келтирилган. Яна бир янгилик — топшириқлар маҳаллий шароитга мослаштирилди. Масалан, дарё мавзуси ўтилса, ўқувчи ўзи яшаб турган ҳудуддаги сойлар, дарёлар ҳақида ҳам ёзма маълумот йиғиши лозим. Бу ўқувчини дарсда фаол иштирокчига айлантириб, мустақил изланишга ундайди.

Эътиборлиси, адабиёт ва қўлланмаларнинг электрон нусхаси ҳамда мультимедиали иловалари ҳам яратилаётгани ўқитувчиларга қўшимча қулайлик туғдиради. Содда, қулай, қизиқарли дарсликлар ўз навбатида ўқувчиларнинг ҳам машғулотларда фаол иштирок этишини таъминлайди. Бу янги 6-синф "Биология" дарслигига ҳам хосдир.

— Давлат таълим стандарти ишчи гуруҳининг "Ботаника" дарслиги борасидаги изланишлари натижасида келган хулосасига кўра, 5-синф "Ботаника" фани мавзулари 6-синф "Биология" фани таркибига кўчирилди, — дейди Республика таълим маркази бош методисти Илҳом Сафарбоев. — Сабаби, 5-синф ўқувчилари бу фанни ўзлаштиришга қийналган. Масалан, "Ўсимлик уруғи" мавзусини ўтганда ундаги тўқималар, молекулалар, тузилишлар болани эсанкиратиб қўйган. Кейинги ўқув йилидан фақат 6-синфлар учун "Ботаника" дарслиги чоп этилади. Дарсликка қатор жиддий ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, ҳар бир дарсдан сўнг уйга вазифа сифатида бериладиган амалий топшириқ методикаси ишлаб чиқилди. Дарсда бирор маҳаллий ўсимлик уруғи мавзуси ўтилса, ўқувчи уйда ўша уруғни экиб, ўсиш жараёнини ҳар куни кузатиб, қайд этиб боради. Бу боланинг ўсимлик оламига қизиқишини оширибгина қолмай, кузатиш кўникмасини шакллантиради. Аввалги дарсликларда лаборатория машғулотлари фақат ўқитувчи учун методик қўлланмада берилади. Янги дарсликда лаборатория ишлари ҳам ёритиладиган бўлди. Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган ўсимликлар, дунёдаги энг катта гул, энг катта дарахтлар ҳақида ҳам маълумотлар киритдик. Шунингдек, 7-синф "Зоология" дарслигининг муқоваси янгиланиб, уни безатишда республикамиздаги маҳаллий жониворлар суратидан фойдаланилди.

Ёш авлоднинг билимли, замонавий илм-фан ютуқларидан бохабар бўлиб вояга етишида сифатли дарсликнинг аҳамияти катта. Мутахассис ва олимларимизнинг узоқ йиллик тажрибалари, изланишлари натижаси ўлароқ, қайта такомиллашиб, нашр юзини кўраётган янги дарсликлар ҳам мамлакатимизда ўқитиш сифатини янги босқичга кўтаришда, ўқувчиларнинг билим эгаллашга иштиёқини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Yangiliklarda yurt nafasi

Жиззах политехника институтида "Карьера куни – 2017" тадбири ўказилди.

Жиззах политехника институтини жорий йилда 20 таълим йўналиши бўйича мингдан зиёд ёш тамомлайди. Институтни битириб чиқаётган муҳандис-механик, муҳандис-қурувчи, муҳандис-технолог каби мутахассисларга мамлакатимиз корхоналарида талаб юқори.

Вилоятдаги 61 йирик корхона 500 дан зиёд бўш иш ўрни билан иштирок этган тадбирда биргина "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси томонидан 300 дан ортиқ иш ўрни таклиф қилинди.

— "Карьера куни" тадбирида Жиззах шаҳридаги "Европласт-сервис" масъулияти чекланган жамияти билан меҳнат шартномаси имзоладим, — дейди институт битирувчиси Ғайрат Равшанов. — Замонавий технологиялар асосида ишлайдиган корхонада ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши, мароқли дам олиши учун зарур шароитлар яратилгани менга маъқул бўлди. Шундай корхонада ишлаш орзум эди.

Тадбирда 300 га яқин ёш мутахассис саноат, қурилиш, ижтимоий соҳа ва тадбиркорлик субъектлари билан меҳнат шартномалари имзолади.

Самарқандда "Аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини юксалтиришда кредитлаш тизимининг аҳамияти" мавзусида семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши ва "Алоқабанк"нинг Самарқанд филиали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир аҳоли билан мулоқот тарзида ўтказилди.

Семинар давомида мутахассислар томонидан иштирокчиларга оилавий тадбиркорлик ва бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида кредит олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш, кредит олиш ва ундан самарали фойдаланиш, тижорат банклари томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари, бизнес режа тузиш юзасидан атрофлича маълумот берилди. Бу борада аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Тадбир доирасида бир гуруҳ фуқароларга "Алоқабанк"дан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Асосий тирикчилигимиз томорқа деҳқончилигидан, — дейди Самарқанд тумани Янгижой маҳалласида яшовчи И.Усмонқулов. — Бугунги кунда банклар томонидан аҳолига имтиёзли кредитлар берилаётганини эшитиб, хонадонимизда чорвачиликни йўлга қўйишни режалаштиргандим. Таклифим инобатга олиниб, банкдан 6 миллион сўм кредит ажратиладиган бўлди. Бундан жуда хурсандмиз.

Пойтахтимизда қандли диабетнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш усулларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган лойиҳаларга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳридаги «Umid» хайрия жамоат бирлашмаси ташаббуси билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, шифокорлар, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик экспертлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистонда диабетология хизмати ва унинг истиқболлари, бу борадаги халқаро тажриба, аҳоли орасида қандли диабетнинг олдини олиш ва тиббий-профилактика хизматини янада ривожлантириш масалалари, халқаро ҳамкорлик истиқболларига оид маърузалар тингланди.

Қишлоқ аҳолиси орасида диабетнинг олдини олиш, касалликни эрта аниқлашга йўналтирилган лойиҳа натижалари таҳлил этилди, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида бу йўналишда амалга ошириладиган истиқболдаги лойиҳалар хусусида фикр алмашилди.

Оҳангарон туманидаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун тижорат банклари ва бошқа тегишли соҳа мутахассислари иштирокида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, қишлоқларда оилавий бизнесни ривожлантириш масалаларига бағишланган амалий семинар ташкил этилди.

"Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими томонидан ташкил этилган семинарда "Банк хизматлари ҳақида нималарни биласиз?", "Бизнес режа ва кредит ажратиш тартиби", "Кредит турлари ва гаров таъминоти", "Солиқ ставкалари, солиқ ҳисоботлари, имтиёз ва преференциялар", "Коллеж битирувчиси учун тўрт томонлама шартноманинг аҳамияти" мавзуларида маърузалар тингланди.

— Мутахассислардан тадбиркорликка доир қонунчилигимизга киритилган сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалар, берилган имтиёз ва қулайликлар тўғрисидаги саволларимга атрофлича жавоб олдим, — дейди Оҳангарон саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Ш.Сафаров. — Ўқишни тамомлаганимдан кейин аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этиш ниятидаман.

Семинарда фаол иштирок этган ўқувчиларга эсдалик совғалари ҳамда "Бизнесни ташкил этиш ва юритиш" амалий қўлланмаси берилди.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Маҳорат сабоқлари

Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан Ромитан туманидаги 38-мактабда ўқув-услубий семинар ташкил этилди.

Иштирокчилар ҳар бир фан кесимида тажрибали ўқитувчилар томонидан тайёрланган дарсларни кузатиб, таҳлил қилдилар. Вилоят методика маркази мутахассислари ҳамда малакали тренерлар томонидан олиб борилган машғулотларда меъёрий ҳужжатлар юритилиши тартиби, методика кенгаши, методбирлашмаларнинг фаолияти, фан ойлигини самарали ташкил этиш, лаборатория хоналарини жиҳозлаш тартиби ҳақида ҳам зарур маълумотларга эга бўлишди. "Дарс — муқаддас", "Узвий — узлуксиз", "Яхши муаллим — сифатли таълим", "Мураккаб фанни ўрганамиз", "Соғлом муҳит — соғлом жамоа", "Пухта ишланган режа — самарали натижа" каби тадбирларни амалга ошириш бўйича зарур маълумот олишди.

Тадбир якунида тавсиялар ишлаб чиқилиб, келгуси вазифалар белгилаб олинди.

Ирода ОРИПОВА

АКТдан фойдаланиш тажрибаси намойиш этилди

Навоий шаҳридаги 12-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида "АКТ ва электрон қўлланмалардан фойдаланган ҳолда математика ва информатика фанларини ўқитиш" мавзусида шаҳар миқёсидаги амалий-услубий семинар бўлиб ўтди.

Семинар доирасида ташкил этилган очиқ дарс ва тақдимотларда АКТ ва электрон қўлланмалардан фойдаланган ҳолда математика ва информатика фанларини ўқитишнинг афзалликлари намойиш этилди. Хусусан, 8-синфда А.Файзиев "Геометрия фанидан олимпиада масалалари" мавзусидаги дарсида замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда ишчан муҳит яратгани ўзлаштириш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатди. 8-синфда Қ.Тўхтаев ўтган "MC Excelда математик амаллар ва функцияларни қўллаш" мавзусидаги дарсда барча ўқувчиларнинг компьютердан мустақил фойдалана олишини таъминлагани кузатилди.

Муҳокамаларда мутахассислар томонидан ўтказилган очиқ дарсларнинг эътиборли жиҳати хусусида сўз юритилди.

Маҳоратли ўқитувчи Д.Камолова математика дарсларида "АКТ ва электрон қўлланмалардан фойдаланиш" мавзусидаги тақдимотини намойиш этар экан, АКТнинг мазмун-моҳияти, дарсларда қўллашнинг аҳамияти, айниқса, электрон дарсликларнинг яратилаётгани педагогларга қулайлик туғдираётганини математика дарси мисолида асослаб берди.

— Бугунги кунда фан-техника шиддат билан ривожланмоқда. АКТ билан ишлаш замон талабидир. Ёшларимизнинг замон билан ҳамнафас бўлиши биз, ўқитувчиларга боғлиқ, — дейди аниқ фанлар методбирлашмаси раҳбари Ноэбика Эсонова. — Бу масъулият биз педагогларни тинимсиз ўз устимизда ишлашга ундайди.

Сожида ҒАНИЕВА,
Навоий шаҳридаги 12-ИДУМ ўқитувчиси

Академик билан учрашув

Ўзбекистон Миллий университети физика факультетида академик Толиб Мўминов билан учрашув ўтказилди. Очиқ мулоқот талабалар учун сермазмун дарслардан бирига айланди.

Учрашувда физика-математика фанлари доктори, ЎзМУ профессори, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Толиб Мўминов сўзга чиқиб, Президентимизнинг жорий йил 17 февралдаги "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори илм-фан равнақига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Талабалар академик фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильмни катта қизиқиш билан томоша қилди. Устознинг ҳаёт йўли, фаолияти ёшлар учун ибрат мактабидир. Фундаментал ва амалий ядро физикасига оид илмий тадқиқотлар билан шуғулланиб келаётган атоқли олим Ядро спектраскопияси ва радиацион экология физикаси илмий мактаби асосчиси ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида эксперимент ядро физикаси учун бир неча ноёб илмий қурилмалар (СБ-50 бетатрони, МТ-22С микротрони, ЭГ-2 ионлар тезлаткичи, ИБМ кучли ион дастаси инжектори ва бошқалар) яратилган. Мазкур қурилмалар ёрдамида атом ядросининг хоссалари, тезлаштирилган электронлар дастасининг газ муҳитидан ўтиши, юқори энергияли гамма-квантлар дастасининг ўта кичик бурчакларга сочилиши ва радиоэкологияга оид тадқиқотлар олиб борилган.

Мулоқот давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Улуғбек УСМОНОВ

Китоб мутолааси – билим хазинаси

Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги 19-мактабда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига бағишланган «Қалбларга нур сочган шоир» мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди.

Эркин Воҳидов ўзбек адабиётида ўзининг самимий сатрлари билан ўчмас из қолдирган. Унинг «Ўзбегим» қасидасини ўқимаган одам топилмайди.

— Бундай адабий кечаларнинг тарбиявий аҳамияти бениҳоя катта, — дейди она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Ойша Самадова. — Ўқувчиларимиз шоир асарлари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар, баҳс-мунозарага киришдилар. Бадиий асар ҳақида мустақил фикр юритиш кўникмаларини оширдилар. Мактабимизда китоб ўқиш ва уни тарғиб этиш, ёшларнинг ўзлари ўқиган асарлари юзасидан иншо ёзиш кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз.

Тадбирда шоирнинг асарлари, шеърлари асосида яратилган қўшиқлар ижро қилинди. Ҳаёти ва ижодига бағишланган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Адабий кечада синфлар кесимида «Энг яхши ижодий ишлар» танловида ғолиб деб топилган ўқувчилар тақдирланди.

А.СОДИҚОВ

Истеъмолчи билан мулоқот

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан "Аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишида жамоат ташкилотларининг ўрни" мавзусида матбуот конференцияси ўтказилди.

Мазкур федерация 2002 йилда ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, тизимда 14 та ҳудудий бирлашма, 193 та туман (шаҳар) жамияти фаолият кўрсатади.

Федерация истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жамоатчиликни бу ишга кенг жалб этиб келмоқда. Ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини ошириш федерациянинг муҳим вазифасидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида федерация ва унинг ҳудудий тузилмалари республикамизнинг энг чекка ҳудудларида, корхона, ташкилот, муассаса ва маҳаллаларда аҳоли билан 278 марта мулоқот ташкил этди. Газ таъминоти, ичимлик суви, электр энергияси, иссиқлик манбаи, савдо-сотиқ, соғлиқни сақлаш ва жамоат транспорти хизмати бўйича йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан тушаётган мурожаатлар ижобий ечимини топмоқда. Мутахассислар аҳолини қизиқтираётган саволларга жавоб бераяпти.

Матбуот анжуманида аҳоли истеъмол маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга доир таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Асолат АҲМАДҚУЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil 15-mart, № 21 (8982)

Кўнгиллардан бошланган баҳор байрами

Ҳашар — миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми. Бунда бирбиримизга меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик намоён бўлиб, эзгу ниятлар бўй кўрсатади. Катта-кичик, ёшу қари иштирок этадиган умумхалқ ҳашарида, аввало, юртимиз янада чирой очади, имконияти чекланган кишилар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уй юмушларига кўмак берилади. Наврўз айёми арафасида ташкил этилган ҳашар юртимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат тадбири Қорақалпоғистон Республикасида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди. Шаҳар, маҳалла, қишлоқ ва овуллар аҳолиси, барча таълим муассасалари жамоалари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида жонбозлик кўрсатишди.

Ҳашарнинг илк куни 1200 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди, 2 минг тоннадан ортиқ чиқинди тегишли жойга олиб бориб ташланди, 450 минг тупга яқин манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ёлғиз кексалар, пенсионер ва имконияти чекланган кишиларга ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти талабалари Нукус шаҳридаги "Салмен ота" ва "Шорша бобо" зиёратгоҳлари атрофини ободонлаштириш ишларида фаоллик кўрсатишди.

— Тозалик, ободлик саломатлик гарови, — дейди мазкур олий таълим муассасаси талабаси Малика Жарилқасинова. — Уйимиз, маҳалламиз, ўқиш ва иш жойимизнинг озода ва чиройли бўлиши кайфиятимизни кўтаради, шижоатимизни, таълим жараёнидаги фаоллигимизни оширади.

Дарҳақиқат, ободлик кўнгилдан бошланади. Кўнгли гўзал кишиларнинг яшаш жойи ҳам шунга монанд бўлади. Янгиланиш ва яшариш фаслини ана шундай эзгу ишлар билан бошлаган халқимизнинг эртанги кунга ишончи қалбларимизни чексиз қувончга тўлдиради. **Қашқадарё вилояти**нинг ҳам барча шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва маҳаллаларида, корхона ва ташкилотларида, ўқув муассасаларида умумхалқ ҳашари байрамона тарзда ташкил этилди.

— Хонадонимизга кўп йиллар ўзим ишлаган, Қарши шаҳридаги қадрдон 7-мактаб педагоглари, ўқувчилар кириб келганида, кўзларимга ёш келди, — дейди "Беклар" маҳалласи нуронийси Дилбар Раҳимова. — Ҳамкасб ва шогирдларнинг йўқлаши қандай яхши! Бундай учрашувлар, айниқса, умумхалқ ҳашари асосида ташкил этилиши ҳар қандай нуроний қалбига шодлик улашади. Барака топсин, ўқувчилар ҳовлидаги баҳорги экин-тикин ишларига ёрдам беришди.

Қарши шаҳридаги 23-умумтаълим мактаби педагоглари муассаса ҳовлисига 230 та мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экди. Ота-оналар ҳам ташаббус кўрсатиб, мактаб ҳудудини кўкаламзорлаштириш учун яна 300 туп турли дарахт ниҳоллари ва гул кўчатлари экишди. Ўқувчилар эса шаҳар марказидаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғидаги ободонлаштириш ишларида қатнашди.

— Умумхалқ ҳашарида 2880 нафардан ортиқ педагог таълим муассасалари ҳудудини ободонлаштириш баробарида шаҳримиздаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, истироҳат боғлари ва марказий кўчалардаги ишларга ҳам муносиб хисса қўшди, — дейди Қарши шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Ориф Низомов. — Ҳашарчиларнинг саъй-ҳаракати билан қанчаданқанча масканлар обод бўлиб, Наврўз айёми арафасида кўнгиллар шодликка тўлди.

Андижон вилоятидаги 740 та умумтаълим мактаби, 500 га яқин мактабгача таълим муассасаси ҳамда мактабдан ташқари таълим масканларида элимизнинг боқий қадрияти яна бир бор бутун бўй-басти билан намоён бўлди. Булоқбоши туманидаги 13-умумтаълим мактабида 51 нафар муаллим 1033 ўқувчига таълим-тарбия беради. Икки кунлик ҳашарда мактаб жамоаси ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, беминнат ёрдам кўрсатиш хислатлари яққол акс этди. Анъанага кўра, педагоглар дастлаб фахрий ўқитувчилар хонадонида ҳашар уюштириб, уларнинг дуосини олишди.

— Ҳашарчиларга раҳмат, кам бўлишмасин! Ҳовлимизни бир зумда кўзни қувонтирадиган тусга киритди-қўйди, — дейди фахрий педагог Холисхон Мадраҳимова. — Чиннидек тоза кўчалар, майин шабадада тебраниб турган ниҳоллар, оқланиб, шакл берилган дов-дарахтлар барча-барчаси қалбга шодлик улашади. Илоҳо, халқимизнинг эзгу қадриятларига, тинчлик-хотиржамлигига кўз тегмасин.

Ҳашарда мактабнинг бир гектардан зиёд ҳудуди ободонлаштирилди. Ўқувчи қизлар ён-атрофни супуришди, йигитлар кераксиз нарса-буюм ва чиқиндиларни белгиланган жойга чиқариб ташлади. Ариқ-зовурлар тозаланди, 200 тупдан зиёд мевали дарахтга шакл берилди. Элимиз ардоқлаган, йиллар оша сайқалланган умумхалқ ҳашари сумалак сайли билан ниҳоясига етди.

Республикамиз бўйлаб кенг қулоч ёйган ҳашарда **Хоразм вилояти**даги таълим муассасаларини ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилди. Гурлан туманидаги 12-мактаб жамоаси таълим масканини сўлим

Hashar — elga yarashar

гўшага айлантиришди: 110 метр узунликда ариқ қазилиб, атрофига 280 туп манзарали дарахт экилди.

— Синфдошлар маслаҳатлашиб, яхши ниятда таълим-тарбия олган масканимизга 80 туп манзарали кўчат ўтқаздик, — дейди 9-синф ўқувчиси Бахтигул Бобожонова. — Ҳадемай ўқишни ўрта махсус таълим муассасаларида давом эттирамиз. Ўшанда устозларимизни, тўққиз йил билим олган гўшамизни соғиниб, қўмсасак керак. Шу боис жонажон мактабимизнинг ҳар қарич ерига меҳр билан ишлов бердик.

Шунингдек, 9-синф ўқувчилари Анвар Янгибоев ва Раҳматулла Аҳмедов Хоразм иқлим шароитига мос гужум, жийда, терак сингари дарахт кўчатларини ўтқазишда тенгдошларига ўрнак бўлди.

Қуёш заррин нурини заминимиз узра соча бошлаган эрта тонгдан **Самарқанд шаҳри**даги 21-умумтаълим мактабининг бир гуруҳ ўқувчи ва ўқитувчи-мураббийлари ҳам ҳашарга отланишди. Дастлаб таълим муассасаси, ҳовли ва кўчалар ободонлаштирилди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Ранг-баранг гул кўчатлари ўтқазилди.

— Истиқлолимизнинг меъмори, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таълим олган муқаддас масканда фаолият юритамиз. Юртдошларимиз ва хориждан ташриф буюрадиган меҳмонларнинг қадами бу улуғ гўшадан узилмайди. Шу боис, мактабимизнинг ободлигига алоҳида эътибор қаратиб, гўшанинг ҳар бир нуқтасини кўз қорачиғимиздек асраб-авайлашга интиламиз, — дейди 21-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нодира Раҳимова.

Мактабнинг ўқувчи ва ўқитувчилари кенг жамоатчилик билан биргаликда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номи берилган кўчани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишига кўмаклашди. Бир гуруҳ ўқувчилар Ҳазрати Хизр масжиди, Шоҳизинда мажмуаси атрофи ободалигига ҳисса қўшишди. Йўлаклар тозаланиб, гуллар ўтқазилди, дарахтлар оқланди, ариқлар тозаланди.

— Аждодларимиз мангу қўним топган муқаддас қадамжолар ободлигига ҳисса қўшганимдан бахтиёрман, — дейди мактабнинг 8-синф ўқувчиси Фарангиз Орзумуродова. — Бу, энг аввало, бизнинг аждодлар олдидаги қарзимиздир. Қолаверса, кўчаю хиёбонларимиз, зиёратгоҳларимизнинг тоза-озода сақланиши шаҳримизга ташриф буюраётган минглаб меҳмонларнинг дили яйраб, яхши кайфият, ўзгача таассурот билан қайтишига сабаб бўлади.

Бухоро вилоятида ҳам хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилди. Меҳнат байрамида 44 минг 200 нафардан ортиқ ўқитувчи, ўқувчи ва ишчи ходим иштирок этди. Хайрли тадбирда жами 197 гектар майдон ободонлаштирилиб, 107 тонна маиший ва қурилиш чиқиндиси чиқариб ташланди. 180 та эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларга ҳомийлар томонидан 2 миллион 667 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Вобкент туманидаги 9-мактаб ҳовлисига мевали ва манзарали дарахт, атиргул кўчатлари экилди. Ариқ-зовурлар тозаланиб, дарахтларга шакл берилди, гуллар экилди. Синфлар байрамона тусга киритилди. Тарих фани ўқитувчиси Раҳима Бердиева бошчилигида ўқувчилар фахрий ўқитувчилар ва "Истиқлол" маҳалласи нуронийлари ҳолидан хабар олиб, уй юмушларига ёрдам беришди.

Пойтахтимизда уюштирилган хайрия ҳашарида таълим муассасалари, маҳаллалар, қабристон ва зиёратгоҳ, кўп қаватли уй-жойлар атрофи тозаланиб, кўкаламзорлаштирилди. Гул, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Шайхонтоҳур туманидаги 295-мактабгача таълим муассасасида Халқ таълими вазирлигининг "Халқ таълими муассасаларида 2017 йил март-апрель ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 11-12 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тўғрисида"ги буйруғи асосида меҳнат байрами ташкил этилди.

— Халқимизни бирлаштирган ушбу хайрли тадбир эзгу ишларни амалга оширишда, савобли амалларни бажаришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди муассаса мудираси Барно Икромова. — Таълим муассасамиз жамаоси ҳам ҳашарда фаоллик кўрсатди. Кўкаламзорлаштириш ишлари — кўчат экиш, гул ўтқазиш каби ишларни бажариб, ҳақиқий баҳор тароватини ҳис қилдик. "Эски Жарариқ" маҳалласидаги нуронийлар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиб, уй ишларига кўмаклашиб, дуосини олдик.

Яна бир таълим муассасаси — Яшнобод тумани "Баркамол авлод" болалар марказида эрта тонгданоқ иш қизиди. Тўғарак раҳбарлари ва услубчилар ён-атрофни супуриб-сидириб, дарахтларни оқлашди. Тўғарак хоналари саранжом-саришта қилинди.

— Ҳеч ким бу эзгу ҳаракатдан четда қолмади. Ҳадемай ўқувчилар баҳорги таътилга чиқишади. Хайрия тадбиридан сўнг ён-атрофи кўзни қувнатадиган ҳолатга келтирилган марказимизда тўғарак машғулотлари қизиганданқизийди. Атрофнинг тоза-озодалиги бизга кўтаринкилик бағишлайди, — дейди муассасанинг хўжалик ишлари мудири Ирина Пархоменко.

МУХБИРЛАРИМИЗ

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Navro'z bayrami tadbirlarini sayil ko'rinishida nishonlash o'quvchilarga nafaqat a'lo kayfiyat bag'ishlaydi, balki ular o'rtasida o'zaro hamjihatlik, do'stona muhitni vujudga keltiradi.

Ma'rifat

2017-yil 15-mart, № 21 (8982)

Yurtimizga xush kelibsan, Ko'klamoy!

(Ta'lim muassasalarida Navro'z – umumxalq bayrami tadbirlarini o'tkazish yuzasidan tavsiya)

Sharqona yangi yil — Navro'zga tabiat uyg'onishining ramzi sifatida qaraladi. Bu ayyom mehr-oqibat, hamjihatlik, insoniylik, bag'rikenglik va bunyodkorlik, xayr-saxovat muhitini yanada mustahkamlash, yosh avlodni milliy an'analarimizga sadoqat, umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida kamol toptirishda muhim o'rin tutadi. Ayniqsa, bu masalaga ta'lim muassasalarida jiddiy e'tibor qaratilishi kerak. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2017- yilgi Navro'z umumxalq bayramiga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish to'g'risida"gi qarorida xalqimizning bu ko'hna bayramini munosib tarzda nishonlash bo'yicha barcha zarur ko'rsatmalar o'z aksini topgan. Bayram tadbirlarini ta'lim muassasalarida ham ko'tarinki ruhda, mazmunli qilib o'tkazish yosh avlod tarbiyasida alohida ahamiyat kasb etadi. Shu bois, Xalq ta'limi vazirligining joriy yil 1-martdagi 65-sonli buyrug'ida bayramni uyushqoqlik, birdamlik, bag'rikenglik ruhida nishonlashga doir qator vazifalar belgilandi. Shulardan kelib chiqqan holda bayram tadbirlarini o'tkazishda quyidagilarga e'tibor qaratish lozim:

— bayram tadbirini olib borish uchun yuqori sinf o'quvchilaridan boshlovchi tayinlash, ularning sahna libosini tanlashda milliylikka e'tibor qaratish, bahor faslini bu jonlanish kishilar o'rtasidagi mehr-oqibatni mustahkamlashini madh etuvchi she'rlar, kuy-qo'shiqlar va sahna asarlaridan parchalar ijro etish;

— tadbirga mahalliy hokimiyat vakillari, mahalla fuqarolar yig'ini, "Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakati faollarini taklif qilish;

— ta'lim muassasalarida bahorgi ta'til boshlanishi munosabati bilan pedagog xodimlar o'rtasida "Biz sportda ham ibratmiz", xotin-qizlar o'rtasida "Sog'lom ayol – sog'lom jamiyat", o'quvchilar o'rtasida "Sog' tanda — sog'lom aql" mavzularida sport musobaqalari va bilimlar bellashuvining tuman(shahar) bosqichi, fan olimpiadalarining viloyat bosqichini tashkil etish;

— Navro'z kunlari insonning tabiat bilan uzviy bog'liqligi, uning ajralmas bir qismi sifatida his etishini ifodalovchi, atrof-muhit va ona zaminni ardoqlash, bugungi tinch va osoyishta hayotni qadrlash, shukronalik tuyg'usi bilan yashashga undaydigan ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar ko'lamini kengaytirish;

— Navro'z bayrami tarixi, uni nishonlash bilan bog'liq urf-odat, an'ana va qadriyatlarimizning mazmun-mohiyati va ahamiyatini o'quvchilar ommasiga tushuntirish;

— bayram ruhi va falsafasida mujassam bo'lgan mehr-muruvvat, ahillik va totuvlik, yoshi ulug' insonlar, tabarruk otaxon va onaxonlarni e'zozlash, ko'makka muhtoj insonlarga beg'araz yordam berish bilan bog'liq xayriya tadbirlarini amalga oshirish;

"Barkamol avlod» bolalar markazlarida o'quvchilarning "Xush kelding — Navro'zi olam" nomli ijodiy ishlar ko'rgazmalari, barcha ta'lim muassasalarida "Navro'z — shukronalik va ezgulik ayyomi" mavzusida ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar tashkil etish;

"Hech kim mehr va e'tibordan chetda qolmasin!" shiori ostida mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilari, kam ta'minlangan oilalar farzandlari, ota-ona qarovisiz qolgan va nogiron bolalar, xizmat burchini o'tashda halok bo'lgan huquq tartibot idoralari xodimlarining farzandlari, urush va mehnat faxriylarini bayram bilan tabriklash;

— ta'lim muassasalarida huquq-tartibot idoralari vakillarini jalb etgan holda transport va yong'in xavfsizligi, jamoat tartibini, shuningdek, umumiy xavfsizlikni saqlash bo'yicha targ'ibot-tashviqot ishlarini olib borish;

— maktabgacha ta'lim muassasasi, mehribonlik uyi, maktab-internat, maktablarning yong'in xavfsizligi moslamalarini ko'rikdan o'tkazish, isitish tizimlari, elektr tarmoqlari, issiq va sovuq suv, kanalizatsiya quvurlari hamda qo'riqlanish holatini mutaxassislar ishtirokida o'rganib chiqish va yuz berishi mumkin bo'lgan ko'ngilsiz hodisalarning oldini olish choralarini ko'rish;

— ta'lim muassasalariga kirish-chiqish nazoratini kuchaytirish, tashrif va navbatchilikni qayd etish daftarini muntazam yuritish, hudularga begona shaxs va transport vositalarining kirishiga qat'iy chek qo'yish;

— tadbirni yong'in xavfsizligi talablariga javob beradigan, avvaldan maxsus tayyorlangan va nazorat qilingan joylarda o'tkazish, ta'lim muassasasi rahbarining ruxsatisiz, o'zboshimchalik bilan nishonlash holatlarining oldini olish.

Navro'z umumxalq bayrami tadbirlari o'quvchi-yoshlarni umuminsoniylik, vatanparvarlik, mehmondo'stlik, tinchliksevarlik, mehr-shafqat ruhida tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Muassasa hovlisi yoki maktab hovlisiga yaqinroq joydagi keng yashil maydon(chekka hududlarda ko'm-ko'k dala)da Navro'z bayrami tadbirlarini sayil ko'rinishida nishonlash o'quvchilarga nafaqat a'lo kayfiyat bag'ishlaydi, balki ular o'rtasida o'zaro hamjihatlik, do'stona muhitni vujudga keltiradi.

Maktab rahbarlarining Navro'z bayrami tadbirlarida ishtirok etishi va o'quvchilar, o'qituvchilar jamoasini tabriklashi ham qarz, ham farzdir.

Maktab rahbari tabrigi uchun namunaviy matn:

— Birinchi Prezidentimizning 1990-yil 3-maydagi farmoni bilan mamlakatimizda Navro'z bayrami qayta tiklandi, tarixiy haqiqat va adolat qaror topdi. 21-mart — kun bilan tun teng kelgan kundir. Ajdodlarimiz quyosh, oy, yulduz kabi osmon yoritkichlari harakatini kuzatib, ular haqida mukammal bilimga ega bo'lganlar. Bu ularning kundalik, xo'jalik, ijtimoiy-siyosiy, madaniy va diniy hayotida muhim rol o'ynagan. Navro'zning xalqimiz tomonidan keng nishonlanishida juda katta falsafa mujassam.

Bugun maktabimizda ham bayram nafasi kezmoqda. 2016-2017-o'quv yilining hal qiluvchi uchinchi choragi yakunlanayotgan ayni damda maktabimiz pedagogik jamoasi, o'quvchi-yoshlarimiz ommasi 11-12-mart kunlari o'tkazilgan umumxalq xayriya hasharida, tozalik-ozodalik, obodonlashtirish jarayonida faol ishtirok etishdi (Tashabbuskorlik ko'rsatgan sinf jamoalarini sanab o'tadi). Oldimizda o'quv yilining so'nggi choragini muvaffaqiyatli yakunlashdek katta vazifa turibdi. Albatta, o'zining a'lo o'qishi, namunali xulqi, jamoat ishlaridagi faol ishtiroki bilan maktabimiz reytingini oshirishga hissa qo'shib kelayotgan sinf jamoalari bilan faxrlanamiz. Ulardan boshqalarni ham o'rnak olishga undaymiz. Navro'z bayrami haqida o'quvchilarimizning qanchalik darajada tushunchaga egaligini boshlovchilarimiz chiqishlari, ishtirokchilar ijrosida tomosha qildik va bundan behad mamnunmiz. Aziz o'quvchilar, sizlarni Navro'z ayyomi bilan tabriklayman. Sizlarning o'z milliy an'analariga sodiq, chuqur bilimli va ma'naviy yetuk farzandlar bo'lishingizga ishonaman. Eng muhimi, tinch va osoyishta yurtimizga tashrif buyurayotgan Navro'z bayramining qadami qutlug' kelsin.

(3-chorakni a'lo baholarga tugatgan va jamoat ishlarida faol ishtirok etgan o'quvchilar va ularning ota-onalariga maktab ma'muriyatining faxriy yorliqlari topshiriladi).

Tadbir maktab qoshidagi turli fan va kasb to'garaklari a'zolari, badiiy jamoalarning chiqishlari, sport musobaqalari bilan davom etadi.

Respublika ta'lim markazi

Mart — tabiiy fanlar oyligi

Кўклам келиши билан табиатда ўзгача бир жонланиш бошланади. Бундай пайтда табиат қўйнига саёҳат уюштириш ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлайди. Зарбдор туманидаги 3-мактабда табиий фанлар ойлигига бағишлаб "Табиатнинг жонланиши" мавзусида саёҳат дарси уюштирилди. Ўсимликлар ҳаётига оид савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар ўғил-қизларнинг табиат ҳақидаги тушунчаларини янада бойитди. Тадбирда 8-синф ўқувчилари ўзлари тайёрлаган кўргазмали воситаларини ҳам намойиш этдилар.

Табиатга саёҳат

ўқувчилар билимини мустаҳкамлайди

Мактабимизда фан ойлиги муносабати билан табиий фанлар методбирлашмаси белгиланган режа асосида қизиқарли ва ноанъанавий тадбирлар ташкил этмоқда. Физика фанига оид кўргазмали воситалар ярмаркасида ўқувчилар томонидан ихтиро қилинган ўзи юрадиган машина, сув чархпалаги йиғилганларга намойиш этилди. Шунингдек, синфлараро деворий газеталар, рефератлар, альбомлар танлови ўтказилди.

Физика, биология ва кимё дарсларида фойдаланиш учун энг яхши электрон дарс ишланмаси ва намунали методик тавсиялар танлови йўлга қўйилди. Ўқувчиларнинг фанларни давлат таълим стандартлари даражасида ўзлаштириши, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта.

Гулизебо АЛЛАЁРОВА,
мактаб методбирлашма раҳбари

Қушиқлар қанотида

Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган қўшиқлар танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган ушбу беллашувнинг ҳудудий босқичларида 7 350 ёш ижрочи ўз маҳоратини намойиш этди. Иштирокчилар ичидан саралаб олинган 54 нафар яккахон ва жамоалар якуний босқичда ғолиблик учун саҳнага чиқди.

— Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги аҳамиятига эътибор қаратиш, ҳаваскор ёш мусиқачиларга қулай ижодий муҳит яратиш, ёшларнинг ижрочилик маҳоратини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган танлов кўпгина ўғил-қизларга иқтидор ва имкониятини синовдан ўтказишда айни муддао бўлаётир, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Муҳаббат Муҳиддинова. — Танловда ёш умидли бастакорларнинг шоир шеърлари асосида куйга солинган янги ижролари билан ҳам танишдик. Муҳими, ўғил-қизларимиз изланишда, уларда ижодкорликнинг ривожланиб боришида бу каби танловларнинг ўз ҳиссаси бор.

Якунда ғолиблар номи аниқланиб, уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Бахром НОРМУРОДОВ,
ЎзМУ талабаси

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

2017-yil 15-mart, № 21 (8982)

Янги маънавий-мафкуравий таҳдидлар

уларга қарши курашишда асосан миллий тарбия усулларимизга таянишимиз зарур

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Бу муаммо тўғрисидаги дастлабки шов-шувлар 2015 йилда бошланган. Интернетда "Кўк кит", "Тинч уй", "f58", "f57" каби "ўлим гуруҳлари" ҳақида турли факт ва маълумотлар бор: "Кўк кит" — 18 ёшга тўлмаган, мустақил фикри, қизиққан машғулоти йўқ ўсмирларни ўзига жалб этади. Бошида осон, қизиқ топшириқлар бериб, ўсмирнинг кўнглидан жой олади. Кейинчалик танасига тиғ билан кўк китнинг суратини чизириб, битта куйни уч кун тинимсиз тинглашни буюради, топшириқни бажарганларни мақтаб, табриклайди. Ва ниҳоят 50 кунда сўнгги — 50-топшириқ(суицид)ни бажартириб, уни видеога олишни ўргатади. Бу ҳақиқий ўлим ўйинидир...

Келинг, ўйиннинг хусусият ва оқибатларини таҳлил этиб кўрайлик: 1) бу тренд-таҳдид 18 га тўлмаган ёшларни, ўсмирларни нишонга олган; 2) ёшларнинг бўш вақти, ихтиёри ва қизиқишлари устидан ҳукмронликка қаратилган; 3) ёшларни ғоявий қул қилиб, ўз қўл-оёқларидан фойдаланган ҳолда уларни қурбон қилмоқчи. "Ўйин" вояга етмаганлар орасида суицид(ўз жонига қасд қилиш)ни тарғиб қилади. АҚШда ўтказилган сўровларнинг кўрсатишича, 2005—2014 йилларда 12—17 ёшли ўсмирлар орасида депрессия(тушкунлик) энг кучайган давр бўлган. Ҳар бир ўсмир йилда бир марта депрессия ҳолатига тушган. Суицидга мойиллик қиз болаларда айниқса кучлилиги аниқланган.

— "Кўк кит"нинг асосий мақсади нима?

— Виртуал контентда бу саволга аниқ, якдил жавоб йўқ. Баъзилар буни ноинсоний ғояларни тарғиб этаётган турли секталарнинг қилмиши; бошқалар айрим гуруҳларнинг ўз аъзолари сонини кўпайтиришга қаратилган ҳаракати сифатида баҳолашмоқда. Нима бўлганда ҳам бу ўйин ўз жонига қасд қилишдек ёвуз ғояни тарқатмоқда. Мана шунинг ўзиёқ, унга қарши жиддий курашиш, жамиятни огоҳлантириш зарурлигини кўрсатади.

— "Ўйин" модераторлари болаларни ўз домига илинтириш учун қандай усуллардан фойдаланяпти?

— Улар педагогикадан, тарбия ва қайта тарбиялашнинг "суҳбат", "тушунтириш", "кўрсатиш", "қизиқтириш", "рағбатлантириш", "қўрқитиш" усулларидан усталик билан фойдаланмоқда. Айрим ота-оналар қўллаётган дўқ, жеркиш, кўр-кўрона тергаш каби методларнинг акси ўлароқ, тенг, самимий мулоқот ва дадил гапириш, ишонч билдириш, топшириқ бериш, назорат қилиб, мақташ каби методларни ишлатаяпти. Бу эса ўзига бундай эътибор ва ишончни ҳис қилмаган ўсмирга "ширин оғу" бўлиб туюлади.

Айрим ота-оналар боласига: "Сен ношуд, одам бўлмайсан, бирор ишни уддалай олмайсан", дейишади. Агар болага ҳадеб, "Сен ношудсан, аҳмоқсан" деяверсангиз, бола шунга ишониб қолади, тўғрироғи ўзига ишончни йўқотади. "Кўк кит" эса бу педагогик хатомиздан яхши фойдаланади. У бола сиздан ҳоли бўлгач, унга "Сен яхшисан, сен ҳаммасини уддалайсан", дейди. Натижада ўсмир уларнинг фикрига беихтиёр қўшилиб кетганини сезмай қолади. Ўсмирни ўзига қизиқтириб, ҳамфикр қилиб олгач, қўлларига "Кўк кит" чизилган ўсмирларни "идеалга" айлантирмоқда. "Сен соат 4:20 да тур. Сен тура оласан, чунки кучлисан", дейди. (Чунки бу вақтда ҳамма ухлаётган, бола назоратсиз бўлади). Кетма-кет амалий топшириқлар бериб, рағбатлантириб, алдаб, жар ёқасига олиб боради. У ёғи ҳаммага аён...

Ўсмирни нафақат ота-она кўзлари билан, балки педагог-психолог кўзи билан кузатиб бориш керак. Оддий бир мисол: кўпчилик оилаларда болаларнинг аниқ кун тартиби йўқ. Бола кеч ухлайди ва эрта туролмайди. Онаси "турсанг-чи", деб жаврайди, отаси ўшқиради. Уйқуга тўймай турган ўсмир кунни асабий бошлайди. Кун бўйи ота-онаси, ҳаёт ҳақида ёмон ўйлар, тушкунлик(депрессия) қуршовида яшайди. Маънавий соғлом ўсмир жўшқин бўлади. Агар боламизда тушкунлик кайфиятини сезсак, дарҳол бунинг сабабларига қизиқишимиз керак.

Болалар ва ўсмирлар психологияси бўйича изланишлар олиб бораётган хорижлик олим, доктор Бенжамин Шайн матбуотга берган интервьюсида ўсмирлардаги "безовталик белгилари"ни санаб ўтади. Бироқ бу белгилар қанчалик кучли бўлмасин, кескин ҳаракат қилмасликни, бундай вазиятда ишнинг 90 фоизини ўсмирни тинглашга, қолган 10 фоизини эса унга ёрдам беришга қаратишни тавсия қилади.

Кўпчилик ота-оналар интернетдан фойдаланишни, виртуал назорат йўлларини билмайди. Гоҳида боласига бир дардга қилиб, яна ташлаб қўйишади. Мактаб, коллеж, лицейлардаги ота-оналар мажлисларида уларга интернетда педагогик назоратни амалга оширишни кўрсатиб, ўргатишимиз керак. Чунки ота-оналарнинг педагогик маданияти, маҳорати масаласи бугун ҳуқуқий, мафкуравий, сиёсий масалага айланди.

Биз, педагог-мутахассислар ота-оналарга "Болангиз тарбиясига яхши қаранг", дея таъкидлаймиз. Лекин "бола тарбиясига яхши қараш" қандай бўлишини назарий жиҳатдан таҳлил қилиб берсак-да, амалий тавсия ва ҳаётий мисолларни кам келтирамиз. Оқибатда энг самарали усул — ота-боболарнинг миллий тарбия усулларидан бироз узоқлашдик. Миллий тарбиямизда профилактик ёндашув етакчилик қилади. Бобо-бувиларимиз яхши хулқларни фазилатлар билан, ёмонларини иллатлар билан боғлаб, шошмай, ёқимли, пишиқ қилиб ўргатиб, кейин эртанги кунга — ҳаётга йўллашган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятида халқимиз билан учрашувлардан бирида: "Ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга кўпроқ эътибор қаратиш зарур.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз", дедилар.

Эътибор беринг, гап аждодларимизнинг бой тарбиявий мероси ҳақида бормоқда. Бунда жуда катта ҳикмат бор. Келинг, ўз-ўзимиздан: "Ота-она тарбиясини олган бола яхшими, бобо-буви тарбиясини олган болами?", деб сўрайлик. Беихтиёр иккинчиси тўғри, деймиз. Кўпни кўрган опа-сингилларимиз "Бувисининг тарбиясини олган қиз яхши бўлади", дейишади. Нега? Чунки бобо-бувиларимиз шошилмай, бола йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиб, пухта тарбиялашган.

Замонавий ота-оналар кўпинча кичикиб, яъни болада бирор иллат юзага чиққанидан кейин бузилган (девиант) хулқни тузатишга киришади. Афсуски, бу — кечиккан тарбия, қайта тарбиялаш. Қайта тарбиялаш жуда катта машаққат, меҳнат, вақт ва эътиборни талаб қилади.

Ҳар бир онгли ишнинг натижаси унга олдиндан тайёргарлик кўрилганига боғлиқ. Айниқса, ўсмир билан ҳафтада 1-2 марта дилдан, самимий суҳбатлашишни жиддий иш деб ҳисоблаб, ҳар бир суҳбатга тайёргарлик кўриш, унинг яхши ишларини мароқ билан муҳокама қилиш керак. Бирор хунук ишга қўл уриб қўйса, буни билиб қилдими, билмасдан, шуни аниқлаш зарур. Билиб қилган бўлса — иллат, билмай қилган бўлса — хато деб баҳоланг. Суҳбатни шундан келиб чиқиб режалаштиринг.

Кўпинча боламизга "одоблилик" қандай бўлишини тушунтирмай туриб "одобли бўл", ёки "одобсизлик" қандай бўлишини уқтирмай "одобсиз бўлма", деймиз. Буларнинг бири – рағбат, бири – тақиқ. Демак, фазилат ва унинг зидди – иллатни тасвирлаб, тушунтириб беришимиз керак. Чунки маъноси тушунилмаган тарбиявий талабни бажариш учун болада ишонч етишмайди. Меҳнатсеварлик билан дангасаликни, меҳрибонлик билан бемеҳрликни, билимдонлик билан билимсизликни, хушмуомалалик билан кўполликни қиёслаб, фазилатнинг афзаллигига ишонтиришимиз керак.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида ота-оналарнинг педагогик маданиятини оширишга алоҳида банд ажратилган. Бу бежиз эмас. Тарбия халқимиз учун бахт ё бахтсизлик масаласи. Шундай экан, биз ота-оналарга тарбия усулларини ҳам шундай ўргатиб чиқишимиз керак. Боғча, мактаб, коллеж, институтларнинг методист, педагог, психологларидан иборат "Тарбиявий маслаҳат" гуруҳларини тузиб, ота-оналарнинг педагогик маданиятини, оилаларнинг тарбиявий муҳитини кучайтиришимиз зарур. Ана шунда нафақат "Кўк кит", балки бошқа балолар ҳам уйимизга йўламайди.

— "Кўк кит" ҳақида ўсмирларни ўз вақтида огоҳлантиришнинг қандай фойдалари бор?

— Ўсмирни "Кўк кит"дан огоҳлантириш — уни қуроллантириш демак. Ўйин иштирокчининг ўлими билан тугашини айтиш керак. Майли, сескансин, қўрқсин. Бу ота-боболаримиз қўллаган тарбия усули. Лекин қўрқитиш "Кўк кит" ўйнаганингни билсам, қўлингни синдираман", қабилида бўлмасин. Бу – педагогик хато. Чунки бунда бола "Кўк кит"дан эмас, сиздан — сизнинг билиб қолишингиздан қўрқа бошлайди.

"Болам. "Кўк кит" ўйнама. У сени алдаб, қизиқтириб, ҳар хил вазифалар бериб, мақтаб, сўнгра ўлдириши мумкин. Биз сени, жигарбандимизни йўқотишни истамаймиз. Шуни унутмагин. Хўпми?" деб, унинг ваъдасини олинг. Бу — соғлом, ҳимоя инстинктини кучайтирувчи, хатодан ўзини тийишга мажбур қилувчи, онгли, фойдали профилактик восита. Ҳаётда биз ундан кўп фойдаланамиз. "Кўчадан югурмай, шошмай ўт. Машина туртиб юбориши мумкин" қабилида. Бу болада зийракликни, огоҳликни кучайтириб туради. Ўсмир ўзини ўзи ҳимоя қилишга ҳамиша шай туради.

Керак бўлса, ўсмирнинг бадани, кийими, тўшакларини ўзига билдирмасдан кўздан кечириб туриш, тунги соат 4:20 да туриб, хабар олиб қўйиш ҳам ортиқчалик қилмайди. Зеро, бу ерда жигарбандингизнинг тақдири турибди.

— Бу муаммо қатор давлатларга тарқалиб, глобал тус олаётган бир пайтда хорижлик олимлар ҳам унинг олдини олиш борасида изланаяптими?

— Кам бўлса-да, унга қарши илмий-педагогик кураш олиб бориш усулларини ишлаб чиқаётган мутахассислар бор. Масалан, психолог Ольга Перекопайко бир нечта тавсияларни келтирган. Улар биз учун ҳам фойдадан холи бўлмайди:

1. Ўсмирнинг "Кўк кит" ўйинидан хабари бор-йўқлигини билиш учун у билан эркин гаплашиб олиш керак. У ҳеч нарса билмаса, яхши. Лекин "Кўк кит" тафсилотларини айтиб, унинг қизиқишини ошириб қўйманг. Болангиз "Кўк кит" нималигини айтса, унинг гапларини диққат билан тингланг. Мабодо у ўйиннинг икир-чикирларигача гапириб берса, болангиз "ўйинда"лиги хавфи бор. Агарда у "Фалон ўртоғим, дугонам ҳам ўйнайди", деса, унинг ўзи ҳам ўйнаётган бўлиши мумкин.

2. Бунда ўйиннинг хавфлилигини айтиб ўтириш ўсмирга таъсир қилмайди. Айрим модераторлар болаларни ўз измига солиб, қулга айлантиришини айтинг. Ана шунда бошқа шаҳар, мамлакатда яшаб, ўсмирни бошқараётган одамнинг мақсади ота-онасини ўлдириш эмас, балки ўсмирни қўрқитиб, қул қилиб, буйруғини бажаришга мажбур қилиш эканлигини билиш ўсмир учун янгилик бўлади. Бу уни сескантиради.

Унга айрим фирибгарлар одамларга ярим тунда қўнғироқ қилиб, яқин кишисининг ҳаётини сақлаб қолиш учун пул талаб қилишлари, бундай фирибгарлар ҳужумидан ҳеч ким кафолатланмаганлигини тушунтиринг. Бундайлар асосан ёш болаларни овлаб, қўлга тушириш пайида юришларини, бу масалада соҳани яхши биладиган мутахассислар, катталар билан маслаҳатлашиш фойдали бўлишини айтинг.

3. Суҳбатдан мақсад — ўсмирни танқидий фикрлашга жалб қилиш бўлсин. Ана шундай суҳбат уни бугунгача қилган ишлари, ўй-хаёлларини қайта кўриб чиқишга, бошидан кечираётган воқеаларни баҳолашга ундайди.

4. Баъзи ота-оналар бундай вазиятда ваҳимага тушиб, ўсмирдан телефонини тортиб олиб, уйга қамаб қўйиб, унинг ҳар қадамини кузатиб, бу балодан қутулишга умид қилишади. Бу ночор ҳаракат. Чунки XXI асрда ўсмир истаса, гаджет ва тармоққа киришнинг иложини топади. Тақиқ қанча кўп бўлса, уни айланиб ўтишнинг йўли ҳам шунча. Вазифангиз жазо бериш эмас, болангизга мадад бериш бўлсин. Токи у муаммоси фош бўлгунча сиздан яшириб юрмасин. Аксинча, биринчи бўлиб сизга айтсин.

5. Ҳозирги даврда ота-онанинг ўсмир фарзанди билан руҳий-ҳиссий яқинлиги ҳар қачонгидан ҳам зарур. Болангизни суйиб, эркалаб туринг. Ўсмирлик пайтингизда сиз ҳам шошиб, адашиб, хатолар қилиб, хавфли вазиятларга тушганингизда катталардан ёрдам сўраганингизни, уларнинг ёрдами жуда асқотганини айтиб беринг. Болангиз сизнинг тимсолингизда адашиб, хато қилганда катталардан тортинмай, бемалол ёрдам сўраши оддий ҳол эканлигига ишонсин. Муаммоларини сиздан бекитмасин. Сиздан тортинса, ўзи ишонадиган, ҳурмат қиладиган катта кишилар — мактаб психологи ёки қариндошлардан маслаҳат сўрашни айтиб йўналиш беринг.

6. Болангиздан кўнглингиз тўқ бўлса, нур устига нур. Лекин огоҳлик ҳеч қачон ортиқчалик қилмаган. Чунки ёвуз ўйинлар — бегоналарнинг болангиз ҳаётига кириши, аралашиши масаласидир. Шунинг учун болангизга сездирмай унинг телефонини, браузер тарихини, ижтимоий тармоқдаги саҳифаларини кузатиб боринг.

7. Оналар! Агар болангиз "Кўк кит" ўйнаётганини билиб қолсангиз, аввало ўзингизни босинг. Қичқирманг, қарғаманг. Аксинча, йиғланг. Бу билан ўзингизнинг қанчалик хафа бўлганингизни, унинг бу иши сизга қанчалик қаттиқ таъсир қилганини кўрсатинг.

Отасига воқеани тушунтиринг. Бу ҳолатда отанинг гапи онаникидан кучлироқ таъсир қилади. Ота қизи билан суҳбатни майин, мақтов сўзлардан бошласин. Ўғил ўсмир билан эса, "Кел, ўғлим, бир эркакчасига гаплашиб олайлик. Хўш, биз (айнан "биз", десин) ҳозирги вазиятда нима қила оламиз?", десин. Ёки тоғаси, амакиси, аммаси гаплашсин. Энг муҳими — у одам ўсмир ҳурмат қиладиган киши бўлиши керак.

Отабек БОЗОРОВ суҳбатлашди.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Муҳтарам юртдошларимизни, мамлакатимизнинг банк-молия тизимида меҳнат қилаётган барча ходимларни, иқтисодчи академик олимларни, республикамиз олий таълим муассасаларидаги барча профессор-ўқитувчиларни

Наврўз умумхалқ байрами билан муборакбод этамиз!

Сизларни, ёшлик ва гўзаллик тимсоли бўлган ушбу байрам билан табриклаш шарафига муяссар бўлганимиздан мамнунмиз!

Юртимиз доимо тинч, фаровон ва обод бўлсин.
Ҳар бир хонадоннинг дастурхони файзу баракали, тўкин-сочин, оилалар доимо бахтиёр бўлсин.

2017-yil 15-mart, № 21 (8982)

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Мустақил Ватанимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларини, мамлакатимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар ва сайёҳларни, жонажон Ўзбекистонимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида меҳнат қилаётган барча фермерларни, серҳосил навлар яратиш устида илмий изланиш олиб бораётган селекционер олимларни табиатнинг уйғониши ва гўзаллик фаслининг бошланиши, баҳор айёми — *Наврўз байрами билан самимий қутлаймиз!*

Барчангизга тинчлик-хотиржамлик, оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, шахсий ҳаётингизда омад ва зафарлар тилаймиз. Хонадонингизни хайру барака ҳеч қачон тарк этмасин!

2017-yil 15-mart, № 21 (8982)

«Энг «Ma'rifat»парвар муштарий» танлови ғолиблари

Ўтган йилнинг апрель ойидан эътиборан Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўқитувчи-педагогларни янада фаол бўлишга, илғор тажриба ва фикр-мулоҳазаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашишга ундовчи "Энг "Ma'rifat"парвар муштарий" танлови ўтказиб келинмоқда. Айтиш жоизки, ушбу лойиҳа газетхонлар ўртасида катта қизиқишга сабаб бўлди.

Газетамиз саҳифаларидаги долзарб муаммо ва илғор ўқитиш методлари ёритилган мақолаларга ўнлаб муштарийлар томонидан муносабат билдирилгани шундан далолат беради. Улар ўз фикр-мулоҳазаларида таълим-тарбия сифатини юксалтиришга оид аниқ таклиф ва тавсиялар билдиришган. Муштарийларимизнинг таклиф ва тавсиялари орасидан энг саралари саҳифаларимизда чоп этилди. Қуйида танловнинг навбатдаги ғолиблари эълон қилинмоқда.

Декабрь ойида:

1. Нозима НИЁЗОВА, Бухоро шаҳридаги 22-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси, **"Меъёр ва талаб ўқитувчи веб-сайтида асосий мезон бўлиши керак"** мақоласи (2016 йил 28 декабрь, 103-сон) учун.

2. Нигора АЛИҚУЛОВА, Учқўприк туманидаги 1-ИДУМИ ўқитувчиси, **"Ҳар биримиз масъулмиз!"** мақоласи (2016 йил 28 декабрь, 103-сон) учун.

3. Гулзода ОЧИЛОВА, Пахтачи туманидаги 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, **"Гўдак ризқини қирқиш яхши эмас"** мақоласи (2016 йил 28 декабрь, 103-сон) учун.

Январь ойида:

1. Хулкарой ҚОСИМОВА, Баликчи туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, **"Мартабаю иззатни илмдан изланг!"** мақоласи (2017 йил 11 январь, 3-сон) учун.

Февраль ойида:

1. Гулҳаё АБДУЛЛАЕВА, Ғиждувон туманидаги 40-мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, **"Бола меҳнат қилишга ўргансин"** мақоласи (2017 йил 8 февраль, 11-сон) учун.

2. Моҳидил ХУШВАҚТОВА, Избоскан туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси, **"Ноҳақ айблашдан аввал суриштиринг!"** мақоласи (2017 йил 8 февраль, 11-сон) учун.

Танлов ғолиблари "Ma'rifat" газетасига 2017 йил учун таҳририят ҳисобидан бепул обуна қилинади. Шу муносабат билан муаллифлар обунани расмийлаштириш учун зарур бўладиган қуйидаги ҳужжатларни таҳририятга тақдим этишлари лозим:

паспорт нусхаси;

СТИР(ИНН) нусхаси;

почта манзили ва телефон рақами.

Сўралган маълумотлар таҳририятнинг қуйидаги почта ёки электрон манзилига юборилишини сўраймиз:

100083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй;

e-mail: info@marifat.uz

Кутубхона — хазина

Одатда, кутубхонани чексиз хазиналар сақланадиган жойга, кутубхоначини эса дунёдаги энг бадавлат одамга менгзаймиз. Бу бежиз эмас, албатта. Маънавият дурдоналари жамланган бу мукаддас маскан ўзида йиллар таъсир ўтказа олмайдиган кўҳна ва мангу бойликни асраб келади. Бугун китобга меҳр, мутолаага қизиқиш кучайиб бораяпти. Демак, кутубхоналар ва ходимлар зиммасидаги масъулият ҳам шунга яраша ортмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 259-мактабда "Умумтаълим муассасалари кутубхоналари ишини ташкил этиш бўйича методик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ёшларни замонавий ахборот технологияларидан "совутмаган" ҳолда, китобга муҳаббатини учқунлатиш, ўқувчилар кўнглида мустақил мутолаага иштиёқ уйғотиш бугун кутубхоначидан алоҳида тажриба ва маҳорат талаб қилаётгани таъкидланди.

Туман ахборот-ресурс маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур семинарда ҳудуддаги мактаб кутубхоналари мудиралари, мактаб ўқувчилари иштирок этди.

АРМ мутахассислари мактабларда ўқувчиларнинг кутубхонага қатнаши мониторингини ўтказиш юзасидан маърузалар қилди, самарали тавсиялар берди. Шундан сўнг 259- ва 265-мактаб ўқувчилари ўртасида викторина ўтказилиб, унда фаоллик ва ҳозиржавоблик кўрсатган қатнашчиларга қизиқарли асарлардан таркиб топган китоблар мажмуаси ҳадя этилди.

МУХБИРИМИЗ Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

«Faslning eng yaxshi ijodkori»

Мана, бутун борлиқни яшилликка буркаб юртимизга гўзал баҳор ҳам кириб келди. Фасллар келинчаги деб таъриф бериладиган бу мавсумда қиш фаслида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади. Бу йилги қиш фаслининг қорли-қировли ва совуқ кунлари кўп бўлган эса-да, муаллифларимиз қизғин ижоддан тўхтамаганини, газетамиз саҳифаларида кўплаб қизиқарли, ўқишли, методик тавсияларга бой материаллар берилганини эътироф этиб ўтиш жоиз. Таҳририятимиз томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Фаслнинг энг яхши ижодкори" танловининг қиш фасли (2016 йил декабрь, 2017 йил январь, февраль) ғолибларини аниқлаш жараёнида белгиланган номинациялар бўйича ғолибликка даъвогар номзодларнинг кўплиги бизни хурсанд этди. Албатта, уларнинг ичидан энг муносиблари сараланди ва ғолиб дея эътироф этилди. Баҳорни ғолиблик билан бошлаган ижодкор муштарийларимизга, илғор педагог ва муаллифларимизга самимий миннатдорлик билдирамиз. Ғолибларни муваффақият билан табриклаб, ижодларига барака тилаб қоламиз.

Баҳорни ғолиблик билан бошлаганлар

Танлов номинациялари номи	Ғолиб материал номи ва эълон қилинган санаси	Ғолиб муаллифлар
«Энг яхши мақола»	**Она тили таълими:** давр талаби ва ижтимоий зарурат (2017 йил 22 февраль)	Бахтиёр Менглиев, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори
«Оригинал бир соатлик дарс»	**Боғловчи қўшимча янги маъноли сўз ясамайди** (2016 йил 17 декабрь)	Наргиза Маматова, Юнусобод туманидаги 206-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси
"Сермазмун саҳифа"	**"Ma'rifat"га мактублар** (2017 йил 21 январь)	Асолат Аҳматқулова
«Энг яхши очерк ёки эссе»	**Китобга қайтиш** (2017 йил 25 январь)	Абдунаби Абдиев, Миришкор туманидаги 22-мактаб директори
«Педагог-муаллифнинг долзарб материали»	**Устама ҳақи иш сифатига қараб берилганда** жамоада соғлом рақобат, ташаббускорлик муҳити қарор топади (2017 йил 11 январь)	Шаҳобиддин Қодиров, Ғайратжон Қорабеков, Булунғур туманидаги 67-мактаб директорининг ўринбосарлари
Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар таҳририятнинг фахрий ёрлиғи ва энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоридаги мукофот билан тақдирланади.		
«Қизиқарли интервью, суҳбат»	**Илмсиз ҳунар инқирозга учрайди** (2017 йил 1 февраль)	Латофат Толибжонова, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 3-курс талабаси
«Жозибали сурат»	**Умр нақши** (2017 йил 14 январь)	Владимир Гранкин
«Самарали методик материал»	**Хонадонимиз ўғлони — Ватанимиз посбони** (2017 йил 7 январь)	Дилноза Нарзуллаева, Вобкент туманидаги 21-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси
«Тарбияга оид амалий таклиф»	**"...Маънавий меросини ўз жонидан афзал кўрган халқ яшашга ҳақли"** (2017 йил 15 февраль)	Комил Синдоров, юридик фанлари доктори
«Ўқишли бадиий асар»	**Совға** (2016 йил 31 декабрь)	Барно Султонова
Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар таҳририятнинг фахрий ёрлиғи ва энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридаги мукофот билан тақдирланади.		
«Воқеликка муносиб шарҳ»	**Ҳар бир китобда тирикликнинг нафаси бор** (2017 йил 18 февраль)	Хуршид Даврон, Ўзбекистон халқ шоири
«Ўзига хос янгилик»	**Коллекционер ўқувчилар** филателистлар тўгарагига аъзо бўлади (2017 йил 25 февраль)	Нигора Бозорбоева, Ғаллаорол туманидаги 73-мактаб ўқитувчиси
«Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши»	**Мусаввир** (2017 йил 25 январь)	Сардор Мустафоев, ЎзДЖТУ талабаси
«Энг сара таржима материали»	**Илоҳий нур** (2017 йил 15 февраль)	Саъдулла Сиёев
«Мазмунли таълимий бошқотирма»	**Учта масалани бир хил усулда ечгандан кўра...** (2017 йил 11 январь)	Рустам Адамбаев, Боғот туманидаги айрим фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг математика фани ўқитувчиси
«Энг яхши репортаж»	**"Дилларга қувонч улашаётган шодиёна"** (2017 йил 1 январь)	Ҳасан Мўминов
Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар таҳририятнинг фахрий ёрлиғи ва энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдоридаги мукофот билан тақдирланади.		

2017-yil 15-mart, № 21 (8982)

Наврўз — ҳаёт абадийлигининг ифодаси

Бутун инсоният хурсандчиликни яхши кўради. Шоду хуррамлик эса байрамларда намоёндир. Миллат ва давлатнинг ривожланишида тарихий сана ва миллий айёмларнинг ўз ўрни бор. Ҳар бир миллат, элатнинг шундай айёмлари борки, қандай сиёсий тузум, давр, мафкура ҳукм сурмасин, у абадийлик касб этади, замонлар оша янги сифатлар билан бойиб бораверади. Ўзбек халқининг ана шундай байрамларидан бири — Наврўздир.

"Янги кун" маъносини берадиган ушбу байрам қачондан нишонланиб келинаётганлиги ҳақида турли маълумотлар мавжуд. Унинг сарчашмалари аждодларимизнинг коинот, Қуёш, Ер сайёрасига нисбатан пайдо бўлган эътиқодлари асосида вужудга келганлиги аниқ. Тарихий маълумотларга қараганда, ота-боболаримиз қишнинг сўнгги кунлари ва эрта баҳор маросимларида катта гулхан ёқиб, қиш совуғини "ҳайдашган" ва кўкламни "чақиришган". Бу анъаналар қадимда турлича мазмун билан бойиб борган, маросим катта байрамларга уланган. Аслида, Наврўз коинот ва табиат қонунлари уйғунлашуви, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг тенглашиши, куннинг тунга нисбатан узая бориши, табиатнинг жонланиши, баҳорнинг келишидан дарак берувчи, катта ижтимоий маданий аҳамиятига эга табиий ҳодисадир.

Кўҳна айём бизнинг давримизга келиб, яна ҳам ўз қадр-қиммати ва нуфузига эга бўлиб бормоқда. Том маънодаги бу миллий байрам мустақиллик йилларида халқимиз онги, шуури ва турмуш тарзига янада чуқурроқ сингди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 28 февралда эълон қилган "2017 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли бу айёмнинг юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ролига катта эътибор қаратилган.

Қарорда азал-азалдан халқимизнинг эзгу ва гўзал қадриятларини, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этиб, қадим аждодларимиздан бизга ўлмас мерос сифатида безавол ўтиб келаётган Наврўзи олам мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган миллати, тили, дин-эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган, том маънодаги умумхалқ байрамига айланганлиги алоҳида қайд этилади. Зеро, мамлакатимиз раҳбарининг мазкур қарори матни билан танишганда, катта авлод вакиллари ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида содир бўлган воқеа-ҳодисаларни эслайдилар.

1986 йил январь-февраль ойлари. Ўзкомпартиянинг XXI съездида барча вазирлик, ташкилот ва корхона раҳбарларига **"...дин миллатчилик ва шовинизмга ҳар доим йўл очишини, иқтисодий, социал тараққиётга тўсқинлик қилишини, социалистик турмуш тарзи, коммунистик маданиятнинг қарор топишига тўсқинлик қилишини доимо эсда тутмоқ керак"**, деб кўрсатма берилди. Топшириқ қатъий, бажармасликка ҳеч қандай баҳона йўқ.

Бу каби сохта мафкуравий кўрсатмаларга амал қилиниб, 80-йиллар ўртасида ўзбек халқи азалдан севиб, ардоқлаб келган урф-одат ва маросимлар, байрамларни нишонлаш чеклаб қўйилди, ҳаттоки баъзиларининг ўрни бошқача тадбирлар билан алмаштирилди. Натижада "Ҳосил байрами", "Қовун сайли", "Гул сайли" ва бошқа азалий халқ байрамлари унутила бошлади. Наврўз байрами эса мутлақо тақиқланди, унинг ўрнига бошқача атама — "Навбаҳор" ўйлаб топилди, бу гарчанд илк баҳор кунларига монанд бўлса ҳам, азал-азалдан ўз кўрку тароватти билан ўзбек халқи юрагидан жой эгаллаган Наврўз байрамидек қабул қилинмади, балки бу номга кенг жамоатчилик томонидан эътироз билдирилди.

Умуман, собиқ мустабид тузум даврида ўзбек миллий маданияти, урф-одат, маросимлари қадрланмай, эскилик сарқити сифатида қаралгани халқимизнинг ижтимоий ҳолатига таъсир кўрсатмасдан қолмади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов сиёсий ҳокимиятни бошқаришга келган дастлабки кунларданоқ сиқувга олинган, қатағон қилинган қадриятларимизни тиклашга алоҳида аҳамият берди. 1990 йил 3 майда Президент Ислом Каримовнинг Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлашга доир қарори қабул қилинди. Ана шу тарихий ҳужжатга биноан, 1991 йилдан бошлаб ҳар йили 21 март Наврўз умумхалқ байрами тарзида нишонланмоқда.

"Барчамиз орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказиладиган Наврўз байрами, — деб таъкидлаган эди Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида, **— биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда.**

Мухтасар қилиб айтганда, янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга хос одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғояларидан бахраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир, десак ҳеч қандай хато бўлмайди".

Наврўз "Навбаҳор" деб аталган йилларда пиру бадавлат отахон ва онахонларимизнинг "Бу нимаси, азалий байрамни ўзгартириш Худога хуш келармикан?" деган гапларини эшитганман. Зиёлилар ҳам тўнини тескари кийиб олгандек нохуш кайфиятда. Манфур мафкурадан безовта бўлган кишиларнинг сон-саноғи йўқ. Аммо начора, осмон йироқ, ер қаттиқ. Номи ўзгаргани билан миллий байрамдан ҳеч ким юз ўгирмади, Наврўз "Навбаҳор" номи остида нишонланаверди. Бу мустаҳкам эътиқодли, букилмас иродали ўзбек халқининг ўз миллий байрамига бўлган юксак эътиборидан далолат берарди. Шаҳар, қишлоқларимизда Наврўз шукуҳи ҳамон сезилиб турган. "Кўпкари" ўйини йўқолиб кетмади. Дошқозонларда сумалак биқирлаб қайнарди. Кўк сомса тайёрлаб, яқинларига илинмаган уй бекаси бўлганмикан? Юртдошларимиз бир-бирини шарқона янги йил билан табриклашдан асло тўхтаган эмас. Бундан икки хулоса чиқариш мумкин. Биринчидан, Наврўз миллий байрам, ўзбек халқининг минг йиллар мобайнида давом этиб келаётган қадрияти сифатида мафкуравий тазйиқларга қарамасдан ўз софлиги ва аслиятини йўқотмади. Иккинчидан, заҳматкаш ўзбек халқи ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан ўзлигини сақлаб қолди, ўз миллий қадриятларига содиқлигини кўрсатди.

Наврўз — умумхалқ байрамини ўтказиш бўйича жорий йилда эълон қилинган Президентимиз қарорида. Наврўз кунларида инсоннинг табиат билан уйғунлиги ва узвийлигига алоҳида эътибор берилган. Бинобарин, инсон табиатнинг бир бўлаги. Табиат ва унинг қонуниятларини назар-писанд қилмаслик оғир иқтисодий, ижтимоий, маънавий оқибатларга олиб келиши тарихдан маълум. Ўзбекистоннинг бугунги раҳбарияти буни жуда яхши англаган ҳолда, одамларимизни она табиатни эъзозлаш, унинг бойликларидан ўз эҳтиёжини қондириш йўлида оқилона фойдаланиш масаласига катта аҳамият бермоқдалар. 11-12 март кунлари бутун мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ ҳашарида ана шу уйғунлик яна бир бор ўз ифодасини топди. Минглаб маҳалла, миллионлаб қишлоқлар аҳолиси, корхона, ташкилот ходимларининг ҳамжиҳатликда, ўз хоҳиш-иродалари билан ҳашарга чиқишлари, кўча, хиёбон, гузар ва майдонларни ободонлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишга шошилгани Наврўз байрамини қучоқ очиб қарши олиш билан баробардир.

Bayram shukuhi

Яна бир жиҳат Президентимиз қарорида Наврўз байрами мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг хурсандчилик, шодиёналик айёми эканлигига эътибор қаратилганидир. Ҳақиқатан ҳам, Наврўз юртимизда истиқомат қилувчи бошқа миллат ва элатларнинг ҳам байрами бўлиб, унинг миллатга, динга, диний эътиқодга алоқаси йўқ. Аксинча, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат, элатларни бирлаштириб, ягона мақсад йўлида жипслаштиришга қодир Наврўз бағрикенгликни ҳам ўзида мужассам эта олган.

Энг муҳими, истиқлол йилларида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан яратиб берилаётган қулай шарт-шароит, ғамхўрлик эвазига Наврўз байрами шоду хуррамлик, баҳамжиҳатлик, бағрикенглик тамойиллари асосида ўтказилмоқда. Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 16 та диний конфессия вакиллари истиқомат қилади. Миллатлараро тотувлик, дўстлик ва диний бағрикенглик давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, асрлар давомида халқимиз табиати ҳамда дунёқарашининг ажралмас қисмига айланди. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2016 йил якунлари бўйича Ўзбекистон аҳолиси диний эътиқодининг ўзига хос хусусиятлари, йўналишлари мониторинг таҳлили шуни кўрсатадики, сўровда қатнашганларнинг мутлақ катта қисми, яъни 93,2 фоизи давлат томонидан диний соҳада динлараро бағрикенгликни қарор топтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни ижобий баҳолайди ҳамда дунёвий давлат қуриш йўлидаги собит сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Иштирокчиларнинг 77 фоизи мамлакатда диний тикланиш жараёнини "ижобий" ёки "нормал" деб баҳолаётгани ҳам қувонарли натижадир: Таҳлилда таъкидланганидек, **"Халқимиз муқаддас қадамжолар обод қилинаётганини, уларни зиёрат этиш учун шарт-шароит яратилаётганини алоҳида таъкидламоқдалар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, жамиятда ислом динига эътиқод қилишга ижобий муҳит сақланиб қолмоқда. Масалан, сўровда иштирок этганларнинг 77 фоизи мамлакатда мусулмон урф-одатлари, расм-русумлари ва маросимларини бажариш учун барча шароит яратилган, деб ҳисоблайди.**

Ҳа, Ўзбекистонда йилдан-йилга ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлашиб бораётгани Наврўз айёмида яна ҳам яққолроқ намоён бўлади. Юртдошларимизнинг ягона мақсад йўлида меҳнат қилиши, дам олиши, азалий айёмларни нишонлаши давлатимиз раҳбарияти ва ҳукумат томонидан олиб борилаётган адолатли сиёсат натижасидир. Бошқа кўплаб Шарқ мамлакатларида Наврўздек меҳр-оқибат, бирдамлик байрами уруш, қўпорувчилик ҳаракати, қон тўкиш, гўдак ва оналар фарёди билан ўрин алмашаётганидан кўз юма олмаймиз. Оллоҳга беҳисоб шукр, она диёримиз тинч, осойишта, мусаффо осмонимиз узра баҳор элчилари эминэркин қанот қоқмоқда. Қалдирғоч учиб келган, лайлак уя қурган юртда Наврўз асло завол кўрмагай. Наврўз аслида худди шундай юртда нишонланишга муносиб байрамдир.

2017 йилда Наврўз байрамини асосан, сайил шаклида ўтказиш мўлжалланмоқда. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 23 та истироҳат боғи ва кўплаб майдонларда байрам тантаналари ташкил этилади. Вилоятларда ҳам худди шундай кўтаринки руҳ ҳукм суради. Анъанага кўра, байрам арафасида маданий-маиший бинолари фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Наврўз фалсафасида меҳр-мурувват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуғ инсонлар, табаррук отахон ва онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам бериш ўз аксини топганки, ҳозирданоқ эзгу ниятни дилига жо этган савобталаб кишилар бунга тараддуд кўрмоқда. Халқ ўйинлари, фольклор санъатининг энг сара намуналари, қадимий урф-одатлар, инсоний туйғуларни тараннум этувчи қуйқўшиқлар олис-олис қишлоқ ва овуллардан тортиб, барчамизнинг хо надонларимизгача кириб борадиги.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

2017-yil 15-mart, № 21 (8982)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий химоя йили дастури тўғрисида"ги ПҚ-573-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги "Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 409-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида, 2017-2018 ўқув йилида 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуроллари харид қилиш учун очиқ тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Мазкур тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда мулкчилик шаклидан қатъи назар, 1-синф ўқувчилари ҳамда якка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув қуроллари ишлаб чиқариш ва/ёки буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имкониятига эга барча кичик бизнес субъектлари — юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

• Бунда тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган, тегишли маҳсулот ишлаб чиқарувчи — кичик бизнес субъектларига имтиёзлар қўлланилади.

• Тендерда маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган ҳам хорижий фирмалар ва ташкилотлар, ҳам республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар (товар етказиб берувчилар) қатнашишлари мумкин

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайдилар:

• тугатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;

• ўз муддатида ва ўрнатилган тартибда саралаш босқичи учун керакли бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

• Халқ таълими вазирлиги ва "Ўқув таълим таъминот" Давлат унитар корхонаси билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар;

• мазкур эълон нашр этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам муддат ичида ташкил топган корхона ва ташкилотлар;

• Халқ таълими вазирлиги ва "Ўқув таълим-таъминот" ДУК билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;

• Тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий талабларига жавоб бермайдиганлар;

• ўқувчилар сумкаси, дафтар, расм дафтари, рангли қоғозлар тўплами, пенал бўйича ўзининг ишлаб чиқаришига эга бўлмаганлар (мазкур маҳсулотлар бўйича ўз тендер таклифларини тақдим этувчилар учун).

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунига қадар, Тендер комиссияси ва/ёки Тендер комиссияси топшириғига асосан, Тендер комиссияси Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар саралаш босқичидан (квалификационный отбор) ўтказилади.

Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида (папкада) тақдим этишлари лозим:

Талабгор — Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари учун:

• маҳаллий статистика органлари томонидан талабгорнинг ўқувчилар сумкаси, дафтар, расм дафтари, рангли қоғозлар тўплами, пенал бўйича ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти мавжудлигини тасдиқловчи маълумотнома;

• ходимлари сони ва талабгорнинг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишилиги тўғрисида давлат солиқ инспекциялари томонидан берилган маълумотнома;

• маҳаллий хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларидан талабгор банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

• маҳаллий давлат рўйхатига олувчи органлардан талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

• талабгорнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

• Давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув далолатномасининг (кенгайтирилган) асл нусхаси (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

• талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорнинг ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

• талабгорнинг Ишчи органига Тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

• талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўплами(китоби)ни сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси нусхаси.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИР кўрсатилган бўлиши шарт.

Талабгор — хорижий корхона ва ташкилотлар учун:

• талабгор — корхона тўғрисида халқаро масштабдаги аудитор компания хулосаси (ҳисоботи, изоҳ-тушунтириш хатини илова қилган ҳолда). Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ва/ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт;

• талабгорнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси (мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ва/ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт);

• талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

• талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси нусхаси.

Саралаш босқичи Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 15 кун муддат ичида ўтказилиши кўзда тутилади.

Тендер комиссиясининг топшириғига асосан махсус тузилган Ишчи гуруҳи талабгорнинг Тендер таклифини бажариш билан боғлиқ ишлаб чиқариш мавжудлиги, бинолари, технологик асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш қуввати ва талабгорларнинг бошқа кўрсаткичларини ўрганиб чиқади ва Тендер комиссиясига маълумот киритади.

Агарда Тендерда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга импорт товарлари етказиб берувчи хорижий корхоналар иштирок этганда, қонунчилик билан ўрнатилган тартибда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналарга 20 фоизгача миқдорда нарх имтиёзлари берилади.

Тендер савдоларида ғолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар "Ўқув таълим-таъминот" ДУК билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддатлар ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақида қўшимча маълумотни олиш истагида бўлган талабгорлар, Тендер комиссиясининг Ишчи органи ҳисобланган "Ўқув таълим-таъминот" ДУКга эълон нашр қилинган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ҳар куни соат 10:00 дан 17:00 га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Ишчи органи манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 3-берк кўча, 92-уй. Тел:(+99871) 267-01-83; 267-74-50; 267-28-70. Факс: (+99871) 267-71-16.

Бундан ташқари, мазкур Тендер савдолари ҳақидаги маълумот Халқ таълими вазирлигининг www.uzedu.uz электрон сайтида чоп этилган.

Тендер савдоларида харид қилинадиган маҳсулотлар миқдори ва уларнинг энг юқори нархлари

Т/Р	Харид қилинадиган маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Харид қилинадиган маҳсулотнинг энг юқори баҳоси (сўмда)
	1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ҳамда касаллиги туфайли якка тартибда уйда таълим олувчи болалар учун бериладиган ўқув қуроллари			
1	Дафтар (12 варақ)	дона	8 144 988	354,0
2	Акварель бўёқ (12 рангли)	пачка	659 027	4 366,0
3	Пластилин	пачка	659 027	4 826,0
4	Рангли қалам (12 рангли)	пачка	659 027	3 870,0
5	Оддий қалам	дона	1 327 978	318,0
6	Пенал	дона	659 027	3 870,0
7	Расм дафтари (12 варақ)	дона	693 509	1 290,0
8	Рангли қоғоз тўплами (12 варақ)	тўплам	678 539	1 308,0
9	Ручка (шарикли)	дона	693 509	218,0
10	Ўчирғич (ластик)	дона	1 318 138	389,0
11	Елим (клей-карандаш, 21 гр.дан кам бўлмаган)	дона	663 989	1 274,0
12	Ўқувчи сумкаси (ранец)	дона	663 989	27 140,0

Тендер ҳужжатини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар Ишчи органининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 1 000 000 (бир миллион) сўм миқдорида қайта қопланмайдиган пул маблағларини пул ўтказиш йўли билан тўлаганларидан сўнг олишлари мумкин:

Ишчи органининг банк реквизитлари: **Ҳисоб рақами № 20210000700101561002 АТИБ "Ипотекабанк", Меҳнат бўлими, МФО: 00423 ИНН 200524742, ОКОНХ 51520.**

Барча Тендер таклифлари Тендер ҳужжатининг 12.1-бандига мувофиқ, Тендер таклифи суммасидан 3 (уч) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат суммаси билан бириктирилган бўлиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир маҳсулот тури бўйича алоҳида, шунингдек, Тендер таклифларини топширишнинг охирги кунигача ўтказилган бўлиши талаб қилинади *(Барча тўловлар сўмда амалга оширилади)*.

Закалат суммаси билан бириктирилмаган Тендер таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари 2017 йил 14 апрель соат 15:00 дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича Ишчи органига тақдим этилиши лозим (шанба ва якшанба кунларидан ташқари).

Тендер таклифлари(конвертлар)нинг очилиши Тендер комиссияси томонидан аниқланган жойда ва санада амалга оширилади. Бу ҳақида талабгорга Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан қўшимча хабар қилинади.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

ЮРАК НЕГА УРАДИ?

Швеция технология институти олимлари инсон ва бошқа жонзотларнинг юраги гидравлика сабабли уришини аниқлади. Тадқиқот натижалари «Scientific Reports» манбасида эълон қилинди.



Юракнинг тузилиши ва унинг ишлаш механизми аллақачон ўрганилган. Бироқ нима учун юрак уриши сабаби номаълумлигича қолаётганди. Институт олимлари юрак уриши вақтида камералар ўлчамларининг ўзгаришини кузатиш мақсадида юракни магнит-тебраниш томографияси (МРТ) орқали текширди ва у гидравлик кучлар таъсирида амалга ошишини аниқлади — юрак уриши унинг қонга тўлишига ёрдам бераркан.

Тадқиқот иши муаллифларидан бири Мартин Угандернинг таъкидлашича, гидравликанинг юрак фаолиятига таъсири чуқур ўрганилмаган. Юрак камералари ўлчами ўзгаришларини текширгач, олимлар гидравлик тормозлар бажариладиган жараён диастола (юрак қисқаришлари ўртасидаги тинч давр) босқичида муҳим роль ўйнайди, деган хулосага келди.

Мутахассислар бу тадқиқот юрак касалликларини даволашнинг янги самарали усулларини топишда қўл келишига умид боғламоқда.

САРАТОННИ ЭРТА АНИҚЛАШ УСУЛИ

Калифорниялик биологлар қонда саратон ҳужайралари ўрнини аниқлаб, ўсимта ўсаётган жойни барвақт зарарсизлантиришга имкон берадиган услубни яратди. Бу ҳақидаги мақола «Nature Genetics» журналида эълон қилинди.



— Биз бу усулни тасодифан кашф қилдик, — деди Сан-Диегодаги Калифорния университети олими Кун Чжан. — Дастлаб оддий усулни қўллаш орқали шунчаки организмда саратон ҳужайралари изини топиб, уларнинг қаерда пайдо бўлишини аниқлашга уринаётгандик. Ўша кез ҳужайралардаги кимёвий сигналларни сезганимизда, шуни англаб етдикки, уларнинг ўйғун ҳаракати организмда ўсимта бор ёки йўқлигини ҳамда унинг қаерда ўсаётганини англаш имконини бераркан.

Ҳар йили миллионлаб кишилар саратоннинг турли шакллари оқибатида ҳаётдан кўз юмади. Уларнинг катта қисми (Америка соғлиқни сақлаш хизмати статистикасига кўра, 90 фоизи) саратоннинг ҳаддан ташқари кеч аниқланиши, яъни саратон ҳужайралари организмга тарқалиб, иммун тизими бунга қаршилик қилолмай қолиши билан боғлиқ. Шу боис олимлар сўнгги йилларда саратонни эрта босқичларда аниқлаш йўлларини изламоқда.

Тиббиёт ходимлари Калифорния университети клиникасида даволанаётган саратонга чалинган кишиларнинг қон намуналарини лаборатория шароитида текшириб кўрди. Тадқиқот натижаларига кўра, Чжан ва ҳамкасблари яратган алгоритм саратон манбаини 82—90 фоиз аниқлик билан топиш имконини беради. Эрта ва аниқ ташхис саратон туфайли ҳаётдан кўз юмиш ҳолатини камайтириши мумкин.

4 МИЛЛИАРД ЙИЛЛИК ТОШҚОЛДИҚ

Халқаро палеобиологлар жамоаси Ердаги қадимий ҳаёт тарзининг тошга айланган қисмини топиб, ўрганганлари ҳақида «Nature» журнали маълумотига таяниб, «Лента.ru» нашри хабар берди.

Сайёрамиздаги энг қадимий қоялардан бири Нуввуагиттука тоғ жинсида бундан тахминан 3770—4280 миллион йил аввал сув остидаги гидротермик манбалар яқинида яшаган мавжудотлар ва бактериялар изи шундан далолат берди.

Тадқиқот давомида олинган намуналар орқали найсимон ва ипсимон тузилишга эга карбонат ва рух оксидлари гранулалари қадимда биологик фаолият амалга ошганидан гувоҳлик берди.

Олимлар даставвал қадимий ҳаёт изларининг қайси даврга оидлигини аниқлаш мақсадида Нуввуагиттука ва Гренландия оролидан топилган тошқолдиқ намуналарини солиштириб ўрганди. Биологлар чиндан ҳам бундан қарийб 3,7 миллиард йил олдин микроорганизмлар барча йирик океанлар бўйлаб кенг тарқалганига ишонмоқда.

ДНК-КОМПЬЮТЕР ҚАЧОН СОТУВГА ЧИҚАРИЛАДИ?

Манчестер университети олимлари дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) негизида ҳисоблаш тизимини яратди. «Journal of the Royal Society Interface» манбасида келтирилишича, мутахассислар ДНК ёрдамида маълумотлар омборига ишлов бериш мумкинлигини исботлади.



Тадқиқот муаллифи Росс Кингнинг таъкидлашича, ДНК организмда кўплаб буйруқлар ишлаб чиқади. Жумладан, сочларнинг ўсишию лейкоцитларнинг инфекцияга қарши курашиши унга боғлиқ тарзда амалга ошади. Шундай экан, ундан бошқа маълумотларни ишлашда ҳам фойдаланиши мумкин.

Ихтирочи детерминаллашмаган универсал машина яратди. Назарий жиҳатдан бу қурилма исталган масалани ҳал қила олади. Қурилманинг самарадорлиги экспоненциал равишда ошади. Шу маънода, унинг имкониятлар борасида квант компьютерларини ҳам ортда қолдириши таъкидланмоқда.

Профессор Кинг қурилмасининг ишлашини содда қилиб қуйидагича тушунтириш мумкин: агар оддий компьютер иккита йўл айрилиш жойида турса, у йўлларидан бирини танлаши керак. Агар танлов хато бўлса, унда ортга қайтиб, 2-йўлдан бориши керак бўлади. ДНК-компьютерда эса тўғри ечим тезроқ топилади, чунки тизим бирданига иккита йўлдан боради. Квант компьютерлари ҳам агар тизимлар симметрик бўлса, иккита йўналиш бўйлаб бир вақтда йўлга тушади.

ДНК-компьютерларнинг мавжуд тизимлардан устунлиги шундаки, кислота занжирлари кўпроқ ҳисоб-китобларни бажариш учун ўзларини нусхалаб, ўсиши мумкин. Анъанавий тизимлар эса ҳисоблаш ядролари сони билан чекланган.

Бундай ДНК-тизимни дунёнинг энг кучли олимлари йиллаб қидираётганди. Албатта, бу даражадаги қурилманинг сотувга чиқарилиши учун ҳали бир неча ўн йиллар бор, муҳими, бу борада залворли қадам ташланди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ тайёрлади.

реклама • эълон • реклама • эълон• реклама

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

- **Бошланғич синфларда ўқитиш ҳуқуқини бериш;**
- **Биология фанини ўқитиш ҳуқуқини бериш;**
- **География фанини ўқитиш ҳуқуқини бериш;**
- **Кимё фанини ўқитиш ҳуқуқини бериш**

бўйича касбий қайта тайёрлаш курсларига ўқишга таклиф этади!

Дарслар университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Ҳужжатлар доимий равишда қабул қилинади, гуруҳ шакллангандан сўнг дарслар бошланади.

Ўқиш муддати 7 ой.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида, куннинг иккинчи ярмида соат **14⁰⁰** дан **18⁰⁰** гача бўлиб ўтади. Вилоятдан келган ўқитувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш учун тўлов: 3 277 500 (уч миллион икки юз етмиш етти минг беш юз) сўм.

Тингловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Диплом, илова (асли шахсан кўрсатилади).
2. Диплом, илова нусхаси (нотариусдан тасдиқланган).
3. Паспорт нусхаси (паспорт шахсан кўрсатилади).
4. Меҳнат дафтарчасидан нусха.
5. Иш жойидан маълумотнома.
6. 0-86-форма (тиббий маълумотнома).
7. 6 дона расм (3,5x4,5).
8. Иш жойидан талабнома.
9. 1 дона папка (ҳужжатлар учун).

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Низомий номидаги ТДПУ, 3-бино 1-қават — Тайёрлов бўлими, 2-бино 1-қават — Бошланғич таълим ва жисмоний маданият факультети.

Телефонлар: (+99890) 931-60-73, (+99871) 276-84-34, (+99897) 130-41-24.

Payshanba — profilaktika kuni

Ҳамиша огоҳ бўлайлик!

Бахмал туманидаги 45-умумтаълим мактабида педагоглар, маҳалла фаоллари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари иштирокида «Давомат» тадбири бўлиб ўтди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни муносабати билан ўтказилган тадбирда ўқувчиларнинг дарсга келмаслиги ёки мунтазам кеч қолиши ҳолатларининг олдини олиш, уларни қаровсиз қолдирмаслик юзасидан устоз-мураббийлар ва ота-оналарга кўрсатмалар берилди. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига қанчалик риоя этаётгани ҳам эътибордан четда қолмади. Ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун уларни қизиқишига кўра, фан ва спорт тўгаракларига жалб этиш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда сезиларли ҳисса қўшаётгани таъкидланди.

Шунингдек, ўқувчиларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларини бойитиш мақсадида тақдимот ва фильм намойиш этилди. Тадбир иштирокчиларига эслатма ва кўргазмали материаллар топширилди.

Туман ички ишлар бошқармаси ходимлари шу куни ҳудуддаги олтита мактаб, касб-ҳунар коллежи ва еттита маҳалла фуқаролар йиғинида профилактик тадбирлар ташкил этди. 312 та хонадондаги 600 нафардан зиёд фуқаро билан жонли мулоқот, суҳбатлар ўтказилди.

Фаррух АБДУРАҲМОНОВ, Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, лейтенант

Кўклам инончлари

Эрта баҳорда какку кўрган одам унинг сайрашини эшитган замон ердан бир ҳовуч тупроқ олиши керак. Шундай қилинса, йил баракали келар эмиш.

* * *

Эрта баҳорда лайлакни кўриш — бахтдан нишона. Лайлак қайси томондан кўринган бўлса, ўша томондан келган одам қут-барака келтираркан.

* * *

Қалдирғоч, тўрғай, каптар ин қурган хонадонга қут келади.

* * *

Эрта кўкламда биринчи момақалдироқни эшитганда:

Ош кўп бўлсин,
Ош кўп бўлсин!
— дейишган.

* * *

Янги туғилган ойни кўрганда:
Ой кўрдим, омон кўрдим,
Ўзимга имон кўрдим, —
дея дуо ўқилган.

* * *

Уфқда чанг-тўзон кўтарилиб, қалдирғочлар паст уча бошласа, шамол эсиб, ҳаво айниши мумкин.

* * *

Қанотли чумоли чиқса, ёмғир ёғиши кутилади.

* * *

Қушлар дарахт ёки айвонларнинг офтобрў томонига ин қура бошлаши — салқин ёздан нишона.

* * *

Эрта баҳорда яшин бўлиб, момақалдироқ овози эшитилмаса, ёз қуруқ келади.

* * *

Март экини мард экан — март ойида экилган экинларнинг айримлари ҳут совуғига бардош беролмай нобуд бўлиши мумкин. Мартнинг совуғидан қутулиб қолган экиннинг ҳосили яхши бўлади, дейишади.

* * *

Улус куни қутли бўлса,
Тўрт тулик сутли бўлар (улус куни — Наврўз; тўрт тулик — қорамол, қўй, туя ва эчки).

* * *

Кўк қарғанинг келиши — совуқнинг тугаши.

* * *

Яхши кун саҳаридан маълум,
Яхши йил — баҳоридан.

("Наврўз" тўпламидан.)

Қалампирмунчоқ

Дугонам Гуландом билан Меҳри холаникига кириб келганимизда, чошгоҳ маҳали эди. Ҳовлида куймаланиб юрган Меҳри ая бизни кўрдию, қучоқ очиб пешвоз чиқди:

— Момонг ўргилсин сизлардан! Келинглар, она қизларим, келинглар! — ая бизни эркалаб, бағрига босди. Димоғимга урилган қалампирмунчоқ исидан бошим алланечук айланиб, Меҳри аяни қаттиқроқ қучдим.

— Моможон, тузукмисиз? Ўзингизни уринтириб қўйманг, дегандик-ку! Нега супурги ушлаб юрибсиз? — койишларимизга Меҳри ая жилмайиб қўйди, ранги бироз синиққандай эди.

— Қарилик ҳам бор бўлсин, ғайратинг ичингга сиғмаскану, кучинг етмаскан, — ая сўри четига ўтириб, бизни ҳам ёнига чорлади, дуои фотиҳадан сўнг қўшиб қўйди. — Мана, кўкламга ҳам эсон-омон чиқиб олдик. Абдусаттор ининг бодоми гуллабди, кўрдиларингми? Бу йил баҳорни кўриш насиб бўлармикан девдим, етказганига шукр! Энди сумалакни бошлаб олсак, улуғ иш бўларди!

— Нима юмуш бўлса, ўзимиз бажарамиз, моможон, — деди Гуландом куйиниб. — Сиз хавотир олманг, сумалагимиз ҳам пишади.

— Яхшиям сизлар бор, ёлғизлигим сезилмайди, — ая мижжаларини кўйлаги енгига артди. — Маҳалла-кўй ҳам Турсунбойимнинг йўқлигини билдирмаяпти. Боя, бўйинг чўзилгур йигитлар сумалакнинг бозор-ўчарини қилиб, хабар олгани киришибди. Пешиндан кейин ҳашарга келамиз дейишди.

Шу тобда Меҳри аянинг ушоққина жуссаси янаям кичрайиб кетгандай туюлди. Ёшлигида биттаю битта фарзанди билан бева қолган аянинг ўғли Турсунбой ака ҳам бир неча йиллар олдин хасталикдан вафот этган, ўшандан буён кўшнилар кунига икки-уч марта аядан хабар олиб турарди.

— Мен аядан сумалак пишириш яхшилаб ўрганиб олишим керак, — деди Гуландом ювилган дарпардаларга дазмол ураётиб. — Бугун ойим айтиб қолди, Меҳри ая йигирма беш йилдан буён дошқозонга сумалак осаркан. Тасаввур қилаяпсанми, йигирма беш йил, чорак аср-а! Бунга қанча куч керак?!

— Масъулияти-чи? Ахир кўпнинг ризқи, меъёрида пиширишнинг ўзи бўлмаса керак, — тасдиқладим бош силкиб.

Ўша куни аяникида кечгача елиб-югурдик: чорбурчак ҳовлига гир айлана қурилган айвон ойналарини ярақлатиб артдик, даҳлизу хоналарни шамоллатиб, пардаларини ювиб илдик, кўрпачаларни қуёшга олиб чиқиб тобладик...

— Ўзим ўргилай қизларимдан! Умрингиздан барака топинг! Яшанг! — Меҳри ая атрофимизда парвона бўлиб, тинмай дуо қиларди.

Кун пешинлаб маҳалланинг йигитлари кириб келди: ҳаммасининг эгнида коржома, қўлида иш қуроллари. Зум ўтмай, ўз юмушларини бажаришга киришиб кетди — бирови ер юмшатди, бирови дарахтларнинг танасини оқлади, бошқаси ертўладан дошқозон олиб чиқиб, ҳовли ўртасига ўрнатди. Ҳовлига бирпасда файз кириб, гул-гул яшнаб кетди. Сўрига жой қилдик, овқатга уннадик. Кечга томон биринкетин қўшни аёллар чиқиб, сумалакнинг маслаҳатини қилишди.

— Эрта-индин буғдой униб, тайёр бўлиб қолади. Гўшт қиймалагичлар тахтми? — сўради Меҳри ая ташвишланиб. — Дастёр қизларни кўпайтиринглар, йигитларни кўмакка айтинглар.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, ая! — нарироқдан йигитларнинг овози эшитилди. — Нима хизмат бўлса, мана, биз тайёр!

— Барака топинглар! — ая шундай деб, аёлларга юзланди. — Сумалак пишириш сир-асрорини бирингизга ўргатиб қўйишим керак, одатларимиз унутилиб кетмасин, мендан кейин ҳам албатта давом эттиринг.

— Унақа деманг, ёмон хаёл қилманг, — эътироз билдирди аёллар. — Ҳали кў-ў-ўп сумалаклар пиширамиз, ўзингиз бош бўласиз.

— Шундай бўлса ҳам ўрганиб олганингиз зиён қилмайди. Мендан сизга шу илм мерос бўлиб қолади, — ая қўлидаги пиёлага узоқ тикилиб қолди, нималарни ўйлади, неларни хаёлдан ўтказди, буниси қоронғи. Орага ноқулай жимлик чўкди, чурқ этиб бу жимликни бузишга ҳеч ким ботинмади.

Эртаси куни саҳармардонлаб кўча супургани чиқдим. Одат бўйича аввал аянинг эшиги атрофидан тозалашни бошладим. Ҳар гал супургининг шиғ-шиғини эшитиши билан деразадан мўралаб, мени алқаб, дуо қиладиган Меҳри ая бугун негадир кўринмади. Ҳайрон бўлдим. "Одам қаригани сайин қушуйқу бўлиб қоларкан, кечаси билан ухлолмай, шифтга термилиб ётаман", дерди. Кўзи илинганмикан?!

Супургини ташладиму оёқ учида ҳовлига кирдим. Жимжит. Ая ётадиган хона эшигини оҳиста очиб, ичкариладим. Зим-зиё. Бирдан хаёлимга келган дахшатли ўйдан қўрқиб кетдим. Дераза қаршисига суяб қўйилган курсига кўзим тушди. Хонани ғира-шира ёритиб келаётган тонг ёруғида Меҳри ая курсида ғужанак, ҳушсиз ўтирарди... Учиб бордим.

Ҳовлига қўшнилар йиғилди. Биров тез ёрдамга сим қоққан, яна кимдир аянинг томир уришини текширган... Зум ўтмай етиб келган дўхтирлар аянинг беҳол эканини, зудлик билан шифохонага элтиш зарурлигини айтди.

— Аянинг фарзандлари ким? — сўради дўхтир ташвишли оҳангда.

— Мен! — бирваракайига ўн беш чоғли эркагу аёл овоз бердик.

Аяни шифохонага олиб кетишди. Қўшнилар, йўқ, қўшнилар эмас, аянинг элликдан ортиқ фарзанди ҳасрат ичида қолди. Ҳамманинг бошида бир ўй: тузалиб кетсинда!

— Сумалак-чи?! — йиғлади Гуландом. — Меҳри ая тайинладику! Унутиб қўйманглар, деди-ку!

— Рост! Буғдой унибди, исроф бўлмасин, сумалакни пишириб қўйиш керак, — деди кимдир пиқиллаб.

Ўша куни ҳовлида сумалакка ҳаракат бошланиб кетди. Ая эса ҳамон шифохонада, ичимизга чироқ ёқса ёришмас, биров-бировга сўз қотмасди. Гуландом қачон улгура қолган, билмадим, аядан сумалак пишириш сир-асрорларини қоғозга тушириб олган экан, асқотди.

Эртасига сумалак тайёр бўлди, таом бошидан косага солиб, шифохонага йўл олдик. Меҳри аянинг қулоғига "Сумалагимиз пишди!" деб суюнчиладик. Ана шунда... аянинг қуруқшаган лаблари титраб, бармоқлари оҳиста қимирлади, ич-ичига чуқур ботиб кетган кўзларидан икки томчи ёш серажин ёноқларига оқиб тушди. Тепасида коса ушлаб турган қўшнилар дийдорини худдики сўнгги бор кўраётгандек, Меҳри ая кўзларини каттароқ очишга уринди — кўзда ёши милт-милт, халал қилди чоғи, киприкларини бемажол юмди... Юмдию, қайтиб очмади.

* * *

...Яна баҳор келди. Қўшнимиз Абдусаттор аканинг бодоми қийғос гуллади. Меҳри холаникига кириб келганимда эса чошгоҳ маҳали эди. Ҳовлида куймаланиб юрган Гуландом мени кўрдию ёш боладай суюниб кетди:

— Ўзингмисан, дугонажон?! Сениям кўрадиган кун бор экан-ку! Сумалак баҳона чақирмасам, келмайсан ҳам! — қучоқлаб ҳол сўрашдик.

Димоғимга қалампирмунчоқ ҳиди гуп этиб урилди. Бошим алланечук айланиб, хаёлим шошди. Гўё мени дугонам эмас, Меҳри ая қарши олаётгандек эди. Гуландомни маҳкамроқ қучдим...

Наргиза ШОДМОНОВА

Ғалабаларда ҳамманинг ҳиссаси бор

Маматказинлар оиласига ҳамманинг ҳаваси келади. Гап уларнинг фақат таниқли спортчи ёки мураббийлар оиласи эканидагина эмас, албатта. Муҳими, улар ўзи туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган заминга содиқ фарзанд, оилада эса тотувлик ва гўзал ҳулқ ҳукмрон.

Оила бошлиғи Ренат Маматказин Андижон шаҳридаги 50-умумтаълим мактабини тамомлаб, отаси, Бўз ўрмон хўжалиги раҳбари Азиз Маматказиннинг ёнида ишлай бошлади. Ҳарбий хизматдан қайтгач, дастлаб машҳур мураббий Анатолий Кузнецов раҳбарлигида чим устида хоккей ўйнашни ўрганди. Маълум вақт мобайнида «Андижон», «Меҳнат» жамоаларида тўп сурди. Сўнгра олий ўқув юртининг чим устида хоккей бўлимини муваффақиятли тамомлаб, 1978 йили Андижон олий спорт маҳорати мактабида мураббийлик қила бошлади.

Айтиш керакки, кимдир спортчи сифатида, кимдир мураббий сифатида ўз мақсадига эришади. Р.Маматказин кўпроқ ёшларнинг бошини қовуштириш, ғалабаларга илҳомлантиришга уста эди. Унинг шогирдлари орасидан жаҳон ва Осиё чемпионатлари совриндорлари етишиб чиққанининг ўзи ҳам буни тасдиқлайди. Андижон спорт мактаб-интернати (ҳозирги олимпия захиралари коллежи)да мураббийлик қилган йиллари чим устида хоккей бўйича вилоят ва мамлакат терма жамоаларига ўнлаб иқтидорли спортчиларни тайёрлаб берди.

Ренат Маматказин

Sportchilar oilasi

чим устида хоккей бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббий бўлган даврда Осиё чемпионатида 4 та бронза ва 1 та кумуш медаль жамғарилди, бир неча бор «Indoor hokkey» халқаро турнири совринлари қўлга киритилди. Юртимизда ўз ишига пухта, фидойи, тиришқоқ мутахассис ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди. Р.Маматказин ҳам ана шундай заҳматкаш мураббийлардан эди. Шу боис давлатимиз томонидан фидокорона меҳнатлари инобатга олиниб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий» унвони билан мукофотланди.

Мураббийнинг ўғли Альберт ўзини таэквондо, сузиш, теннис, бокс машғулотларида синаб кўрди. Ниҳоят, ота изидан бориб, чим устида хоккей билан жиддий шуғулланишга аҳд қилди. Дарвоқе, Альбертнинг ушбу қарори ўзини оқлади — якинда у ўсмирлар жамоаси сафида мамлакат чемпиони бўлди.

Оилада вояга етаётган икки дилбар қиз онаси Ноила Галимжонова каби моҳир спортчи ва мураббий бўлишга интилади. Ноила болалигидан Андижон гимнастика мактабида шуғулланган, Олимпия захиралари коллежини тамомлагач, батутда сакраш бўйича мураббийлик қила бошлаган. Фурқат Ҳабибуллаев, Одил Мўминов, Омад Бозорбоев каби Ўзбекистон чемпионлари унинг шогирдларидир. Қизи 15 ёшли Зимфира ўтган йили батутда сакраш бўйича мамлакатимизда ўтказилган мусобақанинг яккалик ва синхрон баҳсларида тенгқурлари орасида ғолиб чиқиб, олтин медал билан тақдирланди. Мутахассислар Зимфира Маматказинани жаҳонда машҳур ўзбек гимнастикачиси Екатерина Хилькога муносиб издош, дея таърифламоқда.

Зимфиранинг опаси, Андижон олимпия захиралари коллежи 3-босқич ўқувчиси Алмира эса синхрон сузиш бўйича миллий терма жамоамиз аъзоси. У устози Наталья Мамараззоқова раҳбарлигида салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Малайзияда бўлиб ўтган ҳалқаро турнирда Дилдора Қурбонова билан жуфтликда, кейинчалик Дилрабо Аҳмедова билан биргаликда бронза медал совриндори бўлди.

Маматказинлар оиласининг яна бир аъзоси ҳақида айтмасак бўлмайди. Бу Ренат аканинг шогирди, Ноила Галимжонованинг укаси Ринат Аҳмадуллиндир. У Андижон шаҳридаги 25-мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ батутда сакраш бўйича юқори натижаларга эришди. Сўнгра чим устида хоккей билан шуғулланиб, халқаро тоифадаги спорт устасига айланди. Андижон давлат университети магистратурасини муваффақиятли тамомлади.

Ринат Аҳмадуллин Андижон шаҳридаги спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган БЎСМ директори, Осиё чим устида хоккей федерацияси қўмитасининг аъзоси ҳамдир. Ҳозир у чим устида хоккей бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига мураббийлик қилмоқда.

Орифжон СИДДИҚОВ

Спорт ва биологияни уйғунлаштириб

Бугунги ўқувчини фанга қизиқтириш, мактабга бўлган интилишини кучайтириш ўқитувчилардан муайян билим, кўникма ва маҳоратдан ташқари, ижодкорликни ҳам талаб қилади. Чунки ҳозирги давр ёшлари ахборий жамиятда улғаймоқда. Уларнинг фикрини жамлаш, эътиборини тортиш осон эмас.

Tajriba

Шу маънода, пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 167-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, тажрибали педагог Нигора Собированинг фаолиятидаги ижодкорлигини, изланувчанлигини, аниқроғи, фанлар интеграцияси орқали ўқувчилар қалбига йўл топаётганини ҳамкасбларига бемалол намуна қилиб кўрсатиш мумкин. У 28 йиллик иш фаолияти мобайнида мазкур тажрибаси орқали кўплаб муваффақиятларга эришди.

Айниқса, «Ёш биологлар» тўгараги раҳбари Н.Собированинг ўқувчи қизларни бадиий гимнастика билан ҳам шуғуллантираётгани таҳсинга сазовор.

— Ўзимни табиат шайдоси, муҳофазачиси деб биламан, — деди Нигора Собирова. — Бадиий гимнастика билан шуғулланган қизалоқлар қад-қомати дуркун, фикри тиниқ, умуман, соғлом бўлиб ўсади. Шу боис 14 нафар қизга бадиий гимнастика сир-асрорларини ўргатаётганимда доим спорт ва биологияни уйғунлаштиришга интиламан. Шунингдек, биология дарсларида вақти-вақти билан мияга дам бериш, фикрни бир жойга жамлаш учун ўқувчиларга енгил гимнастик машқларни бажартираман.

Ҳа, тажрибали ва фидойи педагог ўз касбидан завқ олади. Нигора Собированинг изланувчанлиги ва фаоллиги инобатга олиниб, қолаверса, соғлом авлод тарбиясидаги меҳнатлари учун у 2015 йилда «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Бироқ камтарин ва камсуқум устоз, интилувчан мураббий учун энг катта мукофот — бу шогирдларининг яхши инсон бўлиб катта ҳаётга кириб бориши, келажакда ўқитувчиларига, ота-онасига раҳмат олиб келиши экан.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири
Бурҳон РИЗО олган сурат.

«БАРСА» ЕНГИЛДИ, «РЕАЛ» ЕНГДИ

«Барселона» клуби Испания чемпионатининг 27-туридан ўрин олган учрашувда «Депортиво»га сафар уюштириб, кутилмаганда мағлубиятга учради, дея хабар берди «Лента».

Ла-Корунья шаҳридаги «Риасор» стадионида ёмғир остида кечган матчда 2:1 ҳисоби қайд этилди. Ўйиннинг 40-дақиқасида Хоселу ҳисобни очди, иккинчи тайм аввалида Луис Суарес мувозанатни тиклади. Аммо 74-дақиқада Бергантиньос Алекс яна мезбонларни ҳисобда олдинга олиб чиқди.

«Реал» ва «Бетис» жамоалари қарама-қаршилигида эса мадридликларнинг қўли баланд келди — 2:1. Шу тариқа, пойтахтликлар яна 1-ўринга қайтди. «Барселона» эса 60 очко билан 2-ўринга тушиб қолди.

ЛАУРАНИНГ 10-ҒАЛАБАСИ

Финляндиянинг Контиолахти шаҳрида биатлон бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг кимўзар баҳсларида таниқли немис спортчиси Лаура Дальмайерга тенг келадигани топилмади.

«Лента» манбасида ёзилишича, пойга учун белгиланган масофани Лаура 29 дақиқаю 54,4 сонияда босиб ўтишга эришган. Ундан кейинги ўринни олган франциялик Мари Дорен-Абер ғолибдан 16,5 сонияга ортда қолди. 3-ўринни италиялик Лиза Витоцци эгаллади. Шу тариқа Лаура жорий мавсумда 10-ғалабасини нишонлади.

Эркаклар ўртасида кечган пойгаларда эса немис вакили Арнд Пайффер 1-, австриялик Симон Эдер 2- ва норвегиялик Эмиль Хегле Свендсен 3-ўринни олди.

КАМАР БОЙ БЕРИЛДИ

Жаҳон бокс ассоциацияси (WBA) Германияда биринчи ўрта вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталарига бериладиган «мунтазам» чемпионлик камари учун жанг ташкил этди.



Аниқроғи, унда америкалик Деметриус Андраде ва немис боксчиси Жек Кулкай ўзаро куч синашди. 12 раунд давом этган муштлашувда ушбу камарнинг амалдаги соҳиби Жек очколар ҳисобида меҳмон спортчига енгилди. Уч ҳакамдан икки нафари Деметриуснинг қўли баланд келганини тасдиқлади: 116-112, 116-112, 114-115.

Д.Андраденинг навбатдаги рақиби шу вазнда WBA «суперчемпион»и кубалик боксчи Эрисланди Лара бўлиши кутилаяпти.

БИРИНЧИ РАҚАМ МАҒЛУБИЯТИ

Индиан-Уэллс шаҳрида давом этаётган Профессионал теннисчилар ассоциацияси (АТР)нинг «Мастерс» туркумига оид турнирда кутилмаган натижалар ҳам қайд этилмоқда, дея хабар берди «ТАСС».

Хусусан, жаҳоннинг биринчи рақамли ракеткачиси, британиялик Энди Маррей мазкур турнирнинг (умумий ютуқ жамғармаси 6,9 миллион долларга тенг) учинчи раундига чиқолмади. У АТР рейтингида айни пайтда 129-ўринда турган канадалик Вашек Поспилишга 4:6, 6:7 (5:7) ҳисобида ютқазиб қўйди.

Энг қизиғи, Энди турнирда 1-рақамли иштирокчи сифатида қатнашган бўлса, Вашек асосий мусобақага квалификация мусобақасида ғолиб бўлиб чиққанди.

З.ХОЛОВ тайёрлади.

2017-yil 15-mart, № 21 (8982)

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Халқаро мактаби барча юртдошларимизни Наврўз умумхалқ байрами билан табриклайди!

Tashkent Ulugbek International School congratulates everyone with the national holiday Navruz!

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 149, 150. Г-315. Tiraji 58165. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Hasan MO'MINOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 20.51 Topshirildi — 21.50 1 2 3 5 6